

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2025 йил "23" июндаги  
180-сонли буйруғига  
Илова

**БРОНХИАЛ АСТМА БИЛАН КАСАЛЛАНГАН  
БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШ БЎЙИЧА  
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ**

**ТОШКЕНТ 2025**

«КЕЛИШИЛДИ»

Академик Ш.Алимов номидаги  
РИФВАНИАТМ директори

Н.Н.Партиева



“ 24 ”

май

2025 йил

**БРОНХИАЛ АСТМА БИЛАН КАСАЛЛАНГАН  
БЕМОРЛАРНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА  
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ**

**ТОШКЕНТ 2025**

**Бронхиал астма билан касалланган беморларни даволаш бўйича миллий клиник протокол ишлаб чиқилган сана:**

<b>Ишлаб чиқиш санаси</b>	<b>22.05.2025</b>
<b>Режалаштирилган қайта кўриб чиқиш санаси</b>	Кейинги кўриб чиқиш 2029 йилда ёки янги муҳим далиллар пайдо бўлиши билан режалаштирилади.

**Бронхиал астма билан касалланган беморларни даволаш бўйича миллий клиник протокол ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби:**

<b>1.</b>	<b>Парпиева</b> Наргиза Нусратовна	Академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий–амалий тиббиёт маркази директори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош фтизиатри, тиббиёт фанлари доктори
<b>2.</b>	<b>Ливерко</b> Ирина Владимировна	Академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий–амалий тиббиёт маркази директор ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош пульмонологи, тиббиёт фанлари доктори, профессор, хизмат кўрсатган шифокор
<b>3.</b>	<b>Ражабов</b> Хайрилло Садиллоевич	Академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий–амалий тиббиёт маркази директор ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг пульмонология йўналиши бўйича бош консультанти

**Тақризчилар:**

<b>1.</b>	<b>Белевский</b> Андрей Станиславович	Россия респиратор жамияти президенти, Москва шаҳри Соғлиқни сақлаш департаменти бош пульмонологи, Н.И. Пирогов номидаги Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Россия Миллий тадқиқот тиббиёт университети қўшимча касбий таълим факультети пульмонология кафедраси мудири, т.ф.д., профессор.
-----------	---	--

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Баситханова Э.Э, Тиббий суғурта бошқармаси бошлиғи Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бош мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларнинг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чиқилган.

**Бронхиал астма билан касалланган беморларни даволаш бўйича миллий клиник протокол қуйидаги ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган:**

**1. Астмага қарши кураш бўйича глобал ташаббус. Астмани даволаш ва олдини олиш бўйича глобал стратегия 2023 йил.**

**Кейинги ўринларда:**

**Global Initiative for Asthma. Global Strategy for Asthma Management and Prevention, 2023.**

**Ҳавола:** (<https://ginasthma.org/>).

**2. Европа респиратор жамиятининг катталарда астмани диагностика қилиш бўйича қўлланмаси.**

**Кейинги ўринларда:**

**European Respiratory Society Guidelines for the Diagnosis of Asthma in Adults**

**Ҳавола:**

Renaud Louis, Imran Satia, Inigo Ojanguren, Florence Schleich, Matteo Bonini, Thomy Tonia, David Rigau, Anne ten Brinke, Roland Buhl, Stelios Loukides, Janwillem W. H. Kocks, Louis-Philippe Boulet, Arnaud Bourdin, Courtney Coleman, Karen Needham, Mike Thomas, Marco Idzko, Alberto Papi, Celeste Porsbjerg, Daniel Schuermans, Joan B. Soriano, Omar S. Usmani. European Respiratory Journal Jan 2022, 2101585; DOI: 10.1183/13993003.01585-2021.

<https://erj.ersjournals.com/content/early/2022/02/03/13993003.01585-2021>

**3. Европа респиратор жамиятининг енгил астмада ИКС/формотеролдан заруриятсиз фойдаланиш бўйича қисқача тавсиялари.**

**Кейинги ўринларда:**

**European Respiratory Society short guidelines for the use of as-needed ICS/formoterol in mild asthma**

**Ҳавола:**

Alberto Papi, Diogenes S. Ferreira, Ioana Agache, Eugenio Baraldi, Richard Beasley, Guy Brusselle, Courtney Coleman, Mina Gaga, Carolina Maria Gotera Rivera, Erik Melén, Ian D. Pavord, Deborah Peñate Gómez, Daniel Schuermans, Antonio Spanevello, Thomy Tonia, Florence Schleich. European Respiratory Journal Oct 2023, 62 (4) 2300047; DOI: 10.1183/13993003.00047-2023

<https://erj.ersjournals.com/content/62/4/2300047#:~:text=strategies%20%5B32%5D.-,Recommendations,%3B%20low%20certainty%20of%20evidence.>)

**\*Агар барча учта гайдлайнда маълумотлар бир хил бўлса, манба кўрсатилмайди.**

**ТАВСИЯЛАР ИШОНЧЛИЛИК ДАРАЖАСИ (ТИД) СИНФЛАРИ ВА ДАЛИЛЛАР  
ИШОНЧЛИЛИК ДАРАЖАСИ ШКАЛАСИ (ДИД)**

ДИД	ТИД аниқлаш мезонларини	Якуний ТИД
Энг ишончли далиллар: референс усули билан назорат қилинган тадқиқотларнинг систематик кўриб чиқишлар натижаси	Икки шароитнинг бир вақтда бажарилиши: 1. Барча тадқиқотлар юқори ёки қониқарли методологик сифатга эга бўлиши; 2. Қизиқтирувчи натижалар бўйича тадқиқот хулосалари мувофиқ бўлиши.	<b>А</b>
	Ҳеч бўлмаганда битта шартнинг бажарилиши: 1. Барча тадқиқотлар юқори ёки қониқарли методологик сифатга эга эмас; 2. Қизиқтирувчи натижалар бўйича тадқиқот хулосалари мувофиқ эмас.	<b>В</b>
	Ҳеч бўлмаганда битта шартнинг бажарилиши: 1. Барча тадқиқотлар паст методологик сифатга эга; 2. Қизиқтирувчи натижалар бўйича тадқиқот хулосалари мувофиқ эмас.	<b>С</b>
Референс усули билан назорат қилинган алоҳида тадқиқотлар	Икки шартнинг бир вақтда бажарилиши: 1. Барча тадқиқотлар юқори ёки қониқарли методологик сифатга эга бўлиши; 2. Қизиқтирувчи натижалар бўйича тадқиқот хулосалари мувофиқ бўлиши.	<b>А</b>
	Ҳеч бўлмаганда битта шартнинг бажарилиши: 1. Барча тадқиқотлар юқори ёки қониқарли методологик сифатга эга эмас; 2. Қизиқтирувчи натижалар бўйича тадқиқот хулосалари мувофиқ эмас.	<b>В</b>
	Ҳеч бўлмаганда битта шартнинг бажарилиши: 1. Барча тадқиқотлар паст методологик сифатга эга; 2. Қизиқтирувчи натижалар бўйича тадқиқот хулосалари мувофиқ эмас.	<b>С</b>
Тадқиқотлар референс усули билан изчил назорат қилинмаган ёки тадқиқот усулидан мустақил бўлмаган референс усули билан ўтказилган тадқиқотлар	Ҳеч бўлмаганда битта шартнинг бажарилиши: 1. Барча тадқиқотлар юқори ёки қониқарли методологик сифатга эга эмас; 2. Қизиқтирувчи натижалар бўйича тадқиқот хулосалари мувофиқ эмас.	<b>В</b>
	Ҳеч бўлмаганда битта шартнинг бажарилиши: 1. Барча тадқиқотлар паст методологик сифатга эга; 2. Қизиқтирувчи натижалар бўйича тадқиқот хулосалари мувофиқ эмас.	<b>С</b>

## Мундарижа

Этиологияси ва патогенези.....	10
ХКТ-10/11 бўйича кодлаш.....	18
Ташхисни шакллантириш.....	18
Шикояти ва анамнези .....	27
Респиратор терапия.....	67
Элиминацион чоралар .....	68
Аллерген-спесифик иммунотерапия.....	69
Жарроҳлик усулида даволаш .....	69
Алтернатив ва муқобил тиббиёт усуллари.....	70
Касалхонага ётқизиш.....	70
Тиббий реабилитация.....	72
Диспансер назорати .....	73
Профилактика .....	74
Бронхиал астманинг иккиламчи профилактикаси.....	75
Бронхиал астманинг учламчи профилактикаси .....	75
Терапевтик ҳамкорлик.....	77
Ингалация техникаси .....	78
Тиббий ёрдам сифатини баҳолаш мезонлари.....	79
Бронхиал астма билан оғриган болаларга бирламчи тиббий ёрдам сифатини баҳолаш мезонлари .....	79
Бронхиал астма билан оғриган болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини баҳолаш мезонлари .....	80
Бронхиал астма билан касалланган катталар учун бирламчи тиббий ёрдам сифатини баҳолаш мезонлари .....	81
Бронхиал астма билан касалланган катталар учун ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини баҳолаш мезонлари .....	82
Бронхиал астмани даволаш бўйича амалий кўникма ва билимлар компетенциялари (task shifting).....	83
Иловалар .....	85
Бронхиал астма шубҳа қилинган беморларни текшириш алгоритми .....	85

Ингалляцион глюкокортикостероидлар билан синов терапиясини олаётган беморларда, бронхиал астма ташхисини тасдиқлаш алгоритми (6 ёшдан ошган болалар ва катталар).....	86
Бронхиал астма ташхиси тасдиқланганда ингалляцион глюкокортикостероидлар дозасини камайтириш / терапияни тўхтатиш алгоритми.....	88
5 ёшгача бўлган болалар учун бронхиал астманинг хуружида олиб бориладиган даволаш режаси .....	90
Дори воситалар етказиб бериш тураларини танлаш .....	91
5 ёшдан кичик болаларда бронхиал астмани назорат қилиш бўйича сўровнома (TRACK).....	99
Катталар, ўсмирлар ва 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болаларда бронхиал астма симптомларини назорат қилиш даражасини баҳолаш учун сўровнома.....	100
6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болаларда бронхиал астма симптомларини назорат қилиш даражасини баҳолаш учун қўшимча сўровнома.....	102
5 ёшдан кичик болаларда бронхиал астма симптомларини назорат қилиш даражасини баҳолаш учун қўшимча сўровнома .....	105
5 ёшдан кичик болаларда бронхиал астмани аниқлашга ёрдам берадиган саволлар .....	106

## Қисқартмалар рўйхати:

ACT	–	Asthma Control Test - Астмани назорат қилиш тести
c-ACT	–	Childhood Asthma Control Test - Болаларда астмани назорат қилиш тести
ACQ-5	–	Asthma Control Questionnaire -5 - 5 саволдан иборат астма симптомларини назорат қилиш сўровномаси
ARIA	–	Allergic Rhinitis and its Impact on Asthma - Аллергик ринит ва унинг астмага таъсири
EAACI	–	European Academy of Allergy and Clinical Immunology – Европа аллергия ва клиник иммунология академияси
FcεRI	–	Юқори аффинли Fc-рецептор иммуноглобулини Ig E
FDA	–	Food and Drug Administration – АҚШ дори воситалари ва озиқ-овқат маҳсулотлар сифати назорат агентлиги
FeNO	–	нафас чиқариладиган ҳаводаги азот оксиди фракцияси
FiO <sub>2</sub>	–	нафас олинadиган газ аралашмасидаги кислород фракцияси
GINA	–	Global Strategy for Asthma Management and Prevention Initiative of Asthma - Бронхиал астмани даволаш ва олдини олиш бўйича глобал стратегия
IgE	–	иммуноглобулин E
PaO <sub>2</sub>	–	артериал қонда кислороднинг парциал босими
PaCO <sub>2</sub>	–	артериал қондаги карбонат ангидриднинг парциал босими
SpO <sub>2</sub>	–	гемоглобиннинг кислород билан тўйиниши
Th <sub>2</sub>	–	T лимфоцит 2 тип хелперлар
TRACK	–	Test for Respiratory and Asthma Control in Kids - 5 ёшгача бўлган болаларда БА симптомлари шкаласи бўйича сўровнома
АБҲА	–	аллергик бронхит аспергиллези
АР	–	аллергик ринит
АСИТ	–	аллерген-специфик иммунотерапия
БА	–	bronхиал астма
БГР	–	bronхиал гиперреактивлик
ГИБТ	–	ген-инженер биологик терапияни
ДАИ	–	дозаланган аэрозолли ингалятор
ДПИ	–	дозаланган порошокли ингалятор
ИГКС	–	ингаляцион глюкокортикостероидлар
ИЛ-4	–	интерлейкин - 4
ИЛ-4Rα	–	альфа-рецепторлари ИЛ-4
ИЛ-5	–	интерлейкин 5
ИЛ-13	–	интерлейкин 13
ЖНЧ <sub>1</sub>	–	1-сонияда жадал нафас чиқариш ҳажми
КТ	–	компьютер томографияси
КИҲ	–	кислота-ишқорий ҳолати
ЛРА	–	лейкотриен рецепторлари антагонистлари
НЕ	–	нафас етишмовчилиги
НОС	–	нафас олишлар сони
НТ	–	ножўя таъсирлар
НЧЧТ	–	нафас чиқариш чўққи тезлиги
НЎВ	–	ноинвазив ўпка вентилляцияси

НЯҚВ	–	ностероид яллиғланишга қарши воситалар
СНЕ	–	сурункали нафас етишмовчилиги
СОЎК	–	сурункали обструктив ўпка касаллиги
СЎВ		сунъий ўпка вентиляцияси
тГКС	–	тизимли глюкокортикостероидлар
ЎНЕ	–	ўткир нафас етишмовчилиги
УТАХ	–	узоқ таъсирли антихолинергиклар
УТБА	–	узоқ таъсирли $\beta$ 2-агонистлар
ЎРИ	–	ўткир респиратор инфекция
ЎЖТС	–	ўпканинг жадал тириклик сиғиси
ЎТС	–	ўпканинг тириклик сиғиси
ҚТБА	–	қисқа таъсирли $\beta$ 2-агонистлар
ҚТАХ	–	қисқа таъсирли антихолинергиклар
ЭКГ	–	электрокардиограмма
ЭГПА	–	эозинофил гранулематозли полиангиит
ЮУС	–	юрак уришлар сони

## Таърифлар

- **Астматик ҳолат** – бронхиал астманинг кучайиши натижасида юзага келадиган ўткир нафас етишмовчилиги эпизоди.
- **Бронхиал астма** – гетероген касаллик бўлиб, нафас йўлларининг сурункали яллиғланиши, нафас олишда қийинчилик, бўғилиш, ҳуштаксимон хириллашлар, ҳансираш, кўкрак қафасида оғирлик ҳисси ва йўтал каби респиратор симптомлар ва уларнинг интенсивлигини вақти-вақти билан ўзгариши билан характерланади, ҳамда нафас йўлларининг ўзгарувчан тўсилиши билан бирга намоён бўлади.
- **Бронхиал гиперреактивлик** – соғлом инсон учун хавфсиз бўлган стимуллар таъсирида бронхиал обструкция эпизодлари билан намоён бўладиган функционал бузилишлар.
- **Бронхларни кенгайтирувчи воситалар** (синонимлар: бронходилататорлар, бронхолитик воситалар, бронхолитиклар) – турли фармакологик тоифалардаги дори воситалар бўлиб, улар умумий хусусиятлари – бронхоспазмни йўқ қилиш қобилияти, бронхиал мушаклар тонусига ва унинг регуляциясининг турли бўғинларига таъсир этиш қобилиятига кўра бир гуруҳга бирлаштирилади. АТХ: нафас йўлларининг обструктив касалликларини даволаш учун препаратлар.
- **Клиник аҳамиятга эга сенсбилизация (аллергия)** – аниқланган сенсбилизацияга мос келадиган клиник кўринишлар мавжудлиги.
- **Латент сенсбилизация** – клиник кўринишлар мавжуд бўлмаган ҳолда сенсбилизация мавжудлиги.
- **Бронхиал астманинг қўзиш даври (хуружи)** – кучайиб боровчи ҳансираш, бўғилиш, нафас қисиш хуружлари, йўтал, ҳуштаксимон хириллашлар ёки кўкрак қафасида оғирлик ҳиссининг ортиб бориш эпизодлари бўлиб, одатдаги терапия режимини ўзгартиришни талаб қилади.
- **Касбий астма** – бу касаллик, иш жойида мавжуд бўлган махсус агент (ёки омиллар комбинацияси) таъсирига жавобан яллиғланиш ривожланиши билан характерланадиган нафас йўллари сезувчанликнинг ортиши ва ҳаво оқими ўтказувчанлигининг вақтинчалик чекланиши билан намоён бўлади, ҳамда иш жойидан ташқаридаги бошқа сабаблар билан боғлиқ бўлмайди.
- **Сенсбилизация** – маълум бир аллерген/аллергенлар турига нисбатан сезувчанликнинг ошиши, тери тестлари ва/ёки махсус IgE даражасининг ошиши орқали аниқланади, клиник аҳамиятга эга сенсбилизация ва латент сенсбилизацияга ажратилади.
- **Фенотип** – генетик омиллар ва атроф-муҳитнинг ўзаро таъсир натижасида ривожланадиган организмнинг хусусиятлар мажмуаси.
- **Эндотип** – ажратиб турувчи патобиологик механизм билан аниқланадиган касалликнинг кичик тури.

## Этиология ва патогенез

БАнинг патогенези кўп омилли бўлиб, генетик омиллар – ирсият, ҳамда эпигенетик омиллар – кўп қиррали экспозомал таъсирлар остида амалга ошади. БА патогенези мураккаб ва ҳали тўлиқ ўрганилмаган механизмни ташкил қилади, у генетик омиллар, туғма ва адаптив иммунитет ҳужайралари, эпителий тўсиқлари, цитокинлар ва хемокинлар, нейромедиаторлар ва касалликнинг турли фенотиплари ва эндотипларини шакллантирадиган бошқа кўплаб ҳужайра ва медиатор элементларни ўз ичига олади. 1- ва 2-турдаги иммун жавоблар ўртасидаги мураккаб ўзаро таъсир турли биологик астма фенотипларининг ривожлантиради. БАнинг асосий иммуно-яллиғланиш механизмлари юқори Т2-яллиғланиш (Т2-астма), паст Т2-яллиғланиш (неТ2-астма) ва аралаш эндотипларни ўз ичига олади, улар умумий генетик, эпигенетик, метаболик, нейроген ва ремоделлаш хусусиятларига эга бўлиши мумкин. Ушбу концепцияга кўра, аллергик БА, кеч эозинофил БА, аспиририндуцирланган респиратор касаллик асосан Т2-эозинофил яллиғланишига асосланган, ҳолбуки семизлик билан боғлиқ БА, чекиш билан боғлиқ БА ва жуда кеч бошланган БАнинг яллиғланиш асосини Т2-яллиғланишга боғлиқ эмас. Бу нейтрофил ёки кам гранулоцитар яллиғланиш бўлиши мумкин, унда Т2-профил цитокинлари (ИЛ-4, ИЛ-5, ИЛ-13) роли унча катта аҳамиятга эга эмас. Аксарият ҳолларда БАдаги иммунологик бузилишларнинг асосини тузувчи Т2-иммун жавобининг устунлиги пастки нафас йўлларида ривожланади. Генетик жиҳатдан мойил одамларда аллергенлар такроран таъсир қилиш Th2 ҳужайраларининг ривожланишини қўзғатади, бу ҳужайралар ИЛ-4, ИЛ-5 ва ИЛ-13 ишлаб чиқаради. Бу 2-тур цитокинлари туғма иммун тизимининг 2-тур ҳужайралари (ВЛК2) иштирокидаги алтернатив механизмлар орқали ҳам ишлаб чиқарилиши мумкин. Шундай қилиб, бу турдаги яллиғланиш ва БА эндотипининг номи Th2 (бу цитокинларни фақат Th2-лимфоцитлари ишлаб чиқаришини назарда тутган ҳолда)дан 2-тур яллиғланиши (Т2-яллиғланиш)га ўзгартирилди, бу мос равишда Т2-астма асосини ташкил қилади. Патогенлар, жумладан бактериялар, вируслар ва замбуруғлар, шунингдек, аллергенлар ва поллютантлар эпителийни шикастлантириб, алларминлар: ИЛ-33, ИЛ-25 ва тимус стромал лимфопоэтини (TSLP)нинг юқори экспрессияси ва ажралишига олиб келади, бу ВЛК2ни ИЛ-5 ва ИЛ-13 ишлаб чиқаришга олиб келади ва Th2 пролиферациясини рағбатлантириб, оқибатда нафас йўллари шиллиқ қаватида эозинофил яллиғланишининг ривожланишига олиб келади. БАдаги эозинофил яллиғланишининг аҳамиятини баҳолаш қийин. Нафас йўлларида эозинофиллар сонининг кўпайиши ушбу касалликнинг характерли белгисидир, ва бронхиал деворнинг фаоллашган эозинофиллар билан инфильтрацияси БА билан оғриган беморларда нафас йўллари эпителий қаватини шикастланишига олиб келади.

## Жадвал 1. Бронхиал астманинг ривожланиши ва намоён бўлишига таъсир этувчи омиллар

Омиллар	Тавсиф
Ички омиллар	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Атопияга генетик мойиллик</li> <li>▪ Бронхиал гиперреактивликка генетик мойиллик</li> <li>▪ Жинс (болалик даврида бронхиал астма кўпроқ ўғил болаларда ривожланади; ўсмирлик ва катта ёшда аёлларда)</li> <li>▪ Семизлик</li> </ul>
Атроф муҳит омиллари	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Аллергенлар: уй чанги, уй ҳайвонлари аллергиялари, ҳашаротлар аллергиялари, замбуруғли аллергиялар, ўсимликлар чанги, озиқ-овқат маҳсулотлари (масалан, сут, ёнғоқ, балиқ)</li> <li>▪ Инфекцион омиллар (асосан вирусли инфекция)</li> <li>▪ Касбий омиллар</li> <li>▪ Аэрополлютантлар: озон, олтингугурт ва азот оксидлари, дизель ёқилғисининг ёнғин маҳсулотлари, тамаки тутуни (фаол ва пассив чекиш)</li> <li>▪ Диета: юқори даражада қайта ишланган маҳсулотларнинг кўп истеъмол қилиниши, омега-6 кўп тўйинмаган ёғ кислотасининг кўпайиши ва антиоксидантларнинг (мева ва сабзавотлар) ва омега-3 кўп тўйинмаган ёғ кислотасининг (ёғли балиқлар) камайиши.</li> </ul>

### Бронхиал астмани таснифи

#### Фенотиплар бўйича бронхиал астмани таснифи

Касалликнинг фенотипик хусусиятларини аниқлаш замон талабидир, чунки персоналлаштирилган тиббиёт беморларни танлаш асосида (субпопуляциялар/кластерлар/бронхиал астма фенотиплари) бир қатор диагностик тестларни қўллашни ва тахмин қилинган фенотип тасдиқланганда, мақсадли терапия ва персоналлаштирилган профилактика усулларини қўллашни назарда тутди.

**Аллергик (атопик) бронхиал астма:** энг осон таниладиган фенотип бўлиб, бронхиал астма одатда болаликда бошланади, бемор ёки қариндошларида бошқа аллергия касалликлар (атопик дерматит, аллергия ринит, озиқ-овқат аллергияси) мавжудлиги билан боғлиқ. Бу фенотип учун нафас йўлларида эозинофилли яллиғланиши ва ингаляцион глюкокортикостероидлар (ИГКС) терапиясига яхши жавоб бериши хос. Атопик бронхиал астма аллергия-специфик иммунотерапия (АСИТ) ўтказиш учун кўрсатма ҳисобланади.

**Аллергик бўлмаган бронхиал астма (шу жумладан аспиринага сезувчан):** асосан катталарда учрайди, аллергия билан боғлиқ эмас. Бу фенотипдаги беморларда нафас йўлларининг яллиғланиш профили эозинофил, нейтрофил, аралаш ёки камгранулоцитар бўлиши мумкин. Яллиғланишнинг хусусиятига қараб, аллергия беморларда астмаси бўлган беморларда ИГКСга жавоб етарли бўлмаслиги мумкин.

**Кеч бошланадиган бронхиал астма:** баъзи беморларда, айниқса аёлларда, астма катта ёшда бошланади. Бу беморлар аллергияга эга эмас, ҳамда, одатда тизимли ГКС терапиясига нисбатан рефрактер бўлиб, ёки уларга ИГКСнинг юқори дозалари талаб қилинади.

**Нафас йўлларининг доимий обструкцияси билан кечувчи бронхиал астма:** кўп йиллик бронхиал астма анамнези бўлган баъзи беморларда, эҳтимол, бронх деворининг ўзгариши натижасида доимий нафас йўллари обструкцияси ривожланади.

**Семизликка эга беморларда бронхиал астма:** семизликка эга ва бронхиал астма билан оғриган беморлар кўпинча эозинофил яллиғланиши билан боғлиқ бўлмаган оғир респиратор симптомларига эга бўлиши.

Астма билан оғриган шахсда бир вақтнинг ўзида бир неча бронхиал астма фенотиплари бўлиши мумкин, бундан ташқари, бир фенотип бошқасига айланиши мумкин.

#### **Бронхиал астмани оғирлик даражаси бўйича таснифи**

Терапияни олган беморларда бронхиал астма оғирлик даражаси ретроспектив равишда баҳоланади ва симптомларни назорат қилишга эришиш учун зарур бўлган (ўтган бир неча ой давомида ўтказилган) терапия ҳажми билан баҳоланади.

**Енгил бронхиал астма:** GINA (Global Strategy for Asthma Management and Prevention Initiative of Asthma) бўйича 1 ёки 2 поғонадаги терапия фонида яхши назорат қилинади, масалан, ИГКС+формотерол ёки ИГКС ва талаб бўйича ҚТБА билан ёки асосий терапия сифатида ИГКС ёки ЛРА паст дозалари билан ва ҚТБАни талаб бўйича қабул қилинади.

**Ўртача оғир бронхиал астма:** GINA бўйича 3 ёки 4 поғонадаги терапия фонида яхши назорат қилинади.

**Оғир бронхиал астма:** бронхиал астма, симптомларни назорат қилишга эришиш учун GINA бўйича 5-поғонага мос келадиган терапияни талаб қилади, назорат терапиясини камайтириш уринишлари доимо симптомлар назоратини йўқотишига олиб келади, ёки астма шу терапияга қарамай назорат қилинмайди (ўртача ёки юқори дозадаги ИГКСни УТБА ва/ёки АЛР, ва/ёки УТАХ, ва/ёки тизимли глюкокортикостероидлар (тизимли ГКС), ва/ёки иммунобиологик терапия препаратлари билан бирга). Кўп ҳолларда, оғир бронхиал астма нотўғри ингаляция техникаси, даволашга ёмон мослашиш, чекиш ёки ҳамроҳ касалликлар ёки нотўғри ташхис каби ўзгарувчан омиллар туфайли даволаш учун қийин бўлиши мумкин. Бронхиал астманинг кечиши жуда ўзгарувчан бўлгани учун касаллик оғирлик даражаси бир неча ой ва йиллар давомида ўзгариши мумкин.

2-жадвал. Биринчи марта аниқланган бронхиал астмани оғирлик даражаси бўйича таснифи

Хусусиятлар	Интермиттирловчи бронхиал астма	Енгил персистик бронхиал астма	Ўрта оғир персистик бронхиал астма	Оғир персистик бронхиал астма
<b>Кундузги симптомлар</b>	Ҳафтада 1 мартадан кам	Ҳафтада 1 мартадан кўп, лекин кунда 1 мартадан кам	Симптомларнинг ҳар кун кузатилади; Қисқа таъсир қилувчи $\beta_2$ -агонистларнинг ҳар кун ишлатилади	Симптомлар ҳар кун кузатилади; Жисмоний активликни чегарайди
<b>Тунги симптомлар</b>	Ойида 2 мартадан кўп эмас	Ойида 2 мартадан кўп эмас	Тунги симптомларнинг ҳафтада 1 мартадан кўп	Тунги симптомлар тез-тез кузатилади
<b>Қўзиш даври (Хуружлар)</b>	Қисқа хуружлар	Хуружлар жисмоний активликни пасайтиради ва уйқу бузилишлари кузатилади	Хуружлар жисмоний активликни чегаралашга ва уйқу бузилишларига олиб келади	Хуружлар тез-тез кузатилади
<b>Функционал кўрсаткичлар</b>	ЖНЧХ <sub>1</sub> ёки НЧЧТ $\geq 80\%$ зарур бўлгандан	ЖНЧХ <sub>1</sub> ёки НЧЧТ $\geq 80\%$ зарур бўлгандан	ЖНЧХ <sub>1</sub> ёки НЧЧТ 60—80% зарур бўлгандан	ЖНЧХ <sub>1</sub> ёки НЧЧТ $\leq 60\%$ зарур бўлгандан
<b>НЧЧТ нинг кун давомидаги фарқи (эрталаб ва кечқурунги кўрсаткичлар)</b>	НЧЧТ ёки ЖНЧХ <sub>1</sub> фарқ $< 20\%$	НЧЧТ ёки ЖНЧХ <sub>1</sub> фарқ 20-30%	НЧЧТ ёки ЖНЧХ <sub>1</sub> фарқ $> 30\%$	НЧЧТ ёки ЖНЧХ <sub>1</sub> фарқ $> 30\%$

**Изоҳ.** НЧЧТ – нафас чиқариш чўққи тезлиги, ЖНЧХ<sub>1</sub> – 1 – сонияда жадал нафас қиқариш ҳажми.

## **Бронхиал астмани назорат даражасига кўра таснифи:**

- Назорат қилинадиган;
- Қисман назорат қилинадиган;
- Назорат қилинмайдиган.

БА назорати даражаси кундузги ва тунги БА нафас қисишлар ва буғилишлар сонига, симптоматик терапияга эҳтиёж ва БА натижасида фаолиятнинг чекланишига қараб аниқланади. Назорат қилинмайдиган БА турли сабабларга кўра ҳар қандай оғирлик даражасидаги беморларда кузатилиши мумкин, булар: асосий терапиянинг ноадекватлиги (фармакологик юкломани етишмаслиги, ингалиция техникасини нотўғри бажариш, даволаш режимини бузиш), ҳамроҳ касалликларнинг борлиги, уларнинг кечиши ва даволаниши беморнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши, триггер омилларининг (аллергенлар, тамаки тутини) таъсири ва бошқалар.

Бронхиал астмани назорат қилиш касалликнинг клиник кўринишларининг йўқлигини англатади.

### **Тўлиқ назоратнинг мезонлари қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- Ҳафтасига кундузги симптомларнинг 2 мартадан кўп бўлмаслиги (6 ёшгача бўлган болалар учун – ҳафтасига 1 мартадан кўп эмас);
- БА туфайли тунги уйғонишларнинг йўқлиги;
- Симптомларни енгиллатиш учун дори воситасига бўлган эҳтиёжнинг ҳафтасига 2 мартадан кўп бўлмаслиги (6 ёшгача бўлган болалар учун – ҳафтасига 1 мартадан кўп эмас);
- БА туфайли фаолиятнинг ҳар қандай чекланишнинг йўқлиги (6 ёшгача бўлган болалар учун – бошқа болаларга қараганда камроқ югуриш, ўйнаш, тез чарчашнинг йўқлиги).

*\*Жисмоний машқлардан олдин бронходилататорлар (нафас олиш йўллари обструкциясини даволаш учун препаратлар)дан фойдаланиш бундан мустасно.*

### **Клиник амалиётда бронхиал астмани назорат қилишни баҳолаш учун қуйидаги воситалардан фойдаланиш мумкин:**

- Астмани назорат қилиш тести (**ACT, Asthma Control Test**) – катталар ва 12 ёшдан ошган ўсмирларда БА назоратини баҳолаш воситаси;
- Болаларда астмани назорат қилиш тести (**c-ACT, Children Asthma Control Test**) – 4 ёшдан 11 ёшгача бўлган болаларда БА назоратини баҳолаш воситаси;
- Астма симптомларини назорат қилиш бўйича сўровнома (**ACQ-5, Asthma Control Questionnaire**) – 6 ёш ва ундан катта беморларда БА назоратини баҳолаш воситаси;

- 5 ёшгача бўлган болаларда БА симптомлари шкаласи бўйича сўровнома (**TRACK, Test for Respiratory and Asthma Control in Kids**) – 5 ёшгача бўлган болаларда БА назоратини баҳолаш воситаси.

БА назоратининг энг муҳим клиник мезонларини ва хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда, шифокор томонидан анализ қилиш учун қуйидаги иловаларда келтирилган сўровномалардан фойдаланилади.

### **Бронхиал астмани касаллик босқичлари бўйича таснифи**

**Бронхиал астма ремиссиясининг тушунчаси**, унинг талқини ва аниқ клиник ҳолатларга татбиқ қилиниши клиник ва илмий жамоатчилик томонидан мунозара қилинмоқда.

**Бронхиал астманинг қўзиш даври, яъни зўрайиши** бу кучайиб борувчи ҳансираш, йўтал, ҳуштаксимон хириллашлар ёки кўкракдаги оғирлик ҳисси, нафас бўғилиш ҳуружларининг кўпайиши, ҚТБАдан фойдаланиш эҳтиёжининг ортганлиги, НЧЧТ ва ЖНЧХ<sub>1</sub>нинг пасайиши билан бирга терапия режимида ўзгаришларни талаб қиладиган эпизодлардир. НЧЧТ ва ЖНЧХ<sub>1</sub>нинг кескин пасайиши қўзиш даврининг ишончли кўрсаткичлари ҳисобланади. Бироқ, кам сонли беморларда кучайиш даврида ўпка функциясининг сезиларли пасайиши, симптомларнинг ўзгариши/пайдо бўлиши билан бирга келмаслигини ёдда тутиш керак.

Касалликнинг қўзиш даври БА ташхиси қўйилган беморларда ҳам, касалликнинг оғирлигига қарамасдан биринчи кўриниши бўлиши мумкин. Кўпинча, бу назорат қилиш қийин бўлган БАда содир бўлади ва бир неча дақиқа/соат ёки бир неча кун ичида ривожланиши мумкин. Симптомларнинг бартараф этилиши одатда 5-14 кун ичида содир бўлади.

### **Бронхиал астманинг оғирлик даражаси бўйича қўзиш даврининг таснифи**

Ҳар қандай оғирлик даражасидаги БАга эга беморлар энгил, ўрта оғир ёки оғир ҳуружларини бошдан кечиришлари мумкин. Энгил БАга эга бўлган айрим беморларда узоқ муддатли симптомларсиз даврларда нормал ўпка функцияси билан бирга ҳаёт учун хавфли бўлган оғир ҳуружлар ҳам кузатилади.

6 ёш ва ундан катта бўлган беморларда БА ҳуружларининг оғирлик даражаси клиник мезонларга кўра аниқланади. Ҳуружларнинг оғирлигини аниқлаш учун тегишли мезонлардан камида биттасининг мавжуд бўлиши кифоя.

**3-жадвал. 6 ёш ва ундан катта беморларда бронхиал астманинг хуруж (қўзиш даври) даражасини аниқлаш**

Оғирлик даражаси	Мезонлар
Бронхиал астманинг энгил хуружи ёки ўрта оғир хуружи	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Симптомларнинг кучайиши</li> <li>▪ НЧЧТ ~50-75% энг яхши ёки ҳисобланган натижадан</li> <li>▪ Тез ёрдам препаратларидан фойдаланиш сони <math>\geq 50\%</math> ёки уларнинг небулайзер шаклида қўшимча қўлланилиши</li> <li>▪ БА симптомлари туфайли тунги уйғонишлар ва тез ёрдам препаратларидан фойдаланишни талаб қилиш</li> </ul>
Бронхиал астманинг оғир хуружлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ НЧЧТ ~33-50% энг яхши қийматлардан</li> <li>▪ Нафас олиш тезлиги <math>\geq 25</math> мин</li> <li>▪ Пулс <math>\geq 110</math> мин</li> <li>▪ Бир нафасда жумла айтишнинг имкони йўқ</li> </ul>
Ҳаётга хавф солувчи астма	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ НЧЧТ энг яхши қийматлардан <math>&lt; 33\%</math></li> <li>▪ <math>SpO_2 &lt; 92\%</math></li> <li>▪ <math>PaO_2 &lt; 60</math> мм рт.ст.</li> <li>▪ Нормокапния (<math>PaCO_2</math> 35-45 мм рт.ст.)</li> <li>▪ «Гунг» ўпка</li> <li>▪ Цианоз</li> <li>▪ Нафас олишнинг заиф ҳаракатлари</li> <li>▪ Брадикардия</li> </ul>
Ўта хавфли астма	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Гипотензия</li> <li>▪ Ҳолсизлик</li> <li>▪ Онгнинг хиралашиши</li> <li>▪ Кома</li> </ul>

**Изоҳ.** НЧЧТ – нафас чиқариш чўққи тезлиги,  $SpO_2$  – гемоглобини кислородга тўйинганлик даражаси,  $PaO_2$  – артериал қондаги кислороднинг парциал босими,  $PaCO_2$  – артериал қондаги карбонат ангидритнинг парциал босими.

5 ёшдан кичик бўлган бронхиал астма беморларида хуруж (қўзиш) даражасини баҳолаш учун қуйидаги мезонлардан фойдаланилади.

**4-жадвал. 5 ёшгача бўлган болаларда бронхиал астманинг хуруж (қўзиш) даражасини баҳолаш**

Симптомлар	Хуруж оғирлик даражаси	
	Энгил/ўрта	Оғир <sup>1</sup>
Эс-ҳушининг ўзгариши	Йўқ	Ҳаяжон, онгнинг хиралашиши ёки уйқучанлик
Сатурация ( $SpO_2$ ) <sup>2</sup>	$> 95\%$	$< 92\%$
Нутқи <sup>3</sup>	Жумлалар билан	Сўзлар билан
Пулс	$< 100$ марта/мин.	$> 180$ марта/мин (0-3 йил) $> 150$ марта/мин (4-5 йил)

<b>НОС</b>	$\leq 40$ /мин.	$>40$ /мин.
<b>Марказий цианоз</b>	Йўқ	Кўпинча кузатилади
<b>Хириллашлар интенсивлиги</b>	Ўзгарувчан	«Гунг» кўкрак қафасининг кузатилиши мумкин

**Изоҳ.** НОС – нафас олишлар сони,  $SpO_2$  – гемоглобини кислородга тўйинганлик даражаси.

1. Ҳар бири ушбу симптомлардан оғир хуруж мавжудлигини кўрсатади.
2. Сатурацияни ўлчаш ҚТБА қабул қилиш ва/ёки кислородотерапиядан олдин амалга оширилади.
3. Боланинг ёши ва имкониятларини ҳисобга олиш зарур.

**Астматик статус** тушунчаси БА хуружи (қўзиши) натижасида пайдо бўлган ўткир нафас етишмовчилиги (ЎНЕ) эпизодини англатади. Астматик статус термини «ҳаёт учун хавfli астма» ва «ўта хавfli астма» тушунчаларига эквивалентдир.

**Нафас етишмовчилиги (НЕ)** – нафас олиш тизими томонидан артериал қоннинг нормал газ таркибини таъминлаш имкониятининг йўқлиги. Ривожланиш тезлигига кўра ўткир ва сурункали НЕ фарқланади.

**Ўткир НЕ (ЎНЕ)** бир неча кун, соат ёки ҳатто дақиқа ичида ривожланади ва интенсив терапияни талаб қилади, чунки беморнинг ҳаёти учун бевосита хавф туғдириши мумкин. НЕ тез ривожланганда, нафас олиш, қон айланиш ва қоннинг кислота-ишқорий ҳолати (КИХ) тизимлари томонидан компенсатор механизмлар ишга тушишга улгурмайди. ЎНЕНИнг оғирлик даражаси бўйича таснифи газометрия кўрсаткичларига асосланган.

#### 5-жадвал. Ўткир нафас етишмовчилигининг оғирлик даражаси бўйича таснифи

НЕ даражаси	$PaO_2$ , мм сим.уст.	$SpO_2$ , %
<b>Норма</b>	$\geq 80$	$\geq 95$
<b>I</b>	60–79	90–94
<b>II</b>	40–59	75–89
<b>III</b>	$< 40$	$< 75$

**Изоҳ.** НЕ – нафас етишмовчилиги,  $SpO_2$  – гемоглобинни кислородга тўйинганлик даражаси,  $PaO_2$  – артериал қондаги кислороднинг парциал босими.

**Сурункали нафас етишмовчилиги (СНЕ)** бир неча ой ёки йил давомида ривожланади. СНЕНИнг бошланиши сезилмас, аста-секин ёки ЎНЕдан тўлиқ тикланмаган ҳолда ривожланиши мумкин. СНЕНИнг узоқ муддат давом этиши компенсатор механизмларини ишга туширишга имкон бериб, улар қаторида полицитемия, юрак қон ҳайдаш функцияларининг ошиши, бўйрақлар томонидан бикарбонатларни (респиратор ацидозни бартараф этиш) ушлаб туришга олиб келади. ЎНЕ мавжуд СНЕ фондида ҳам ривожланиши мумкин — бу ҳолат “СНЕ фондида ЎНЕ” деб аталади.

## ХКТ-10/11 бўйича кодлаш

ХКТ-10	ХКТ-11
	CA23 Астма
	<b>A23.0 Аллергическая астма</b>
	— CA23.00 Аллергик астма, қўзиш даври
	— CA23.01 Аллергик астма, астматик статус билан
	— CA23.02 Аллергик астма, асоратланмаган
J45 Астма	<b>CA23.1 Ноаллергик астма</b>
J45.0 – Аллергик компонент устунлигига эга астма	— CA23.10 Ноаллергик астма, қўзиш даври
J45.1 – Ноаллергик астма	— CA23.11 Ноаллергик астма, астматик статус билан
J45.8 – Аралаш астма	— CA23.12 Ноаллергик астма, асоратланмаган
J45.9 – Аниқланмаган астма	— <b>CA23.2 Бронхоспазм ёки бронхиал астманинг бошқа аниқланган турлари</b>
J46 – Астматик статус	— CA23.20 Аспиринли астма
	— CA23.21 Жисмоний машқлар билан чақирилган бронхоспазм
	— CA23.22 Астманинг йўтал билан кечувчи шакли
	— CB02.0 Астмага боғлиқ ўпка эозинофилияси
	— CA0A.0 Самтер синдроми
	<b>CA23.3 Аниқланмаган астма</b>
	— CA23.30 Аниқланмаган астма, қўзиш даври
	— CA23.31 Аниқланмаган астма, астматик статус билан
	— CA23.32 Аниқланмаган астма, асоратланмаган

### Ташхисни шакллантириш

Ташхисда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- этиология (агар аниқланган бўлса);
- оғирлик даражаси;
- назорат даражаси;
- нафас етишмовчилиги даражаси;
- БАнинг кечишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамроҳ касалликлар;

- мавжуд бўлган ҳолатда: хуруж ва унинг оғирлик даражаси.

### **Ташхисни шакллантириш намуналари:**

Бронхиал астма, аллергик шакли, ўрта оғир кечиши, назорат қилинадиган. НЕ 0-босқич. Аллергик ринит, йили давомида кечувчи шакли, енгил кечиши. Уй чанги аллергенларига сезувчанлик.

Бронхиал астма, ўрта оғир кечиши, қисман назорат қилинадиган. НЕ 0-босқич. Сурункали полипозли риносинусит. Ностероид яллиғланишга қарши воситаларга (НЯҚВ) сезувчанлик.

Бронхиал астма, аллергик шакли, ўрта оғир кечиши, ўрта оғирликдаги хуруж даври. НЕ I-босқич. Аллергик ринит, оғир персистик кечиши, хуруж даври. Гул чанги аллергенларига (дарахтлар) сезувчанлик.

Бронхиал астма, ноаллергик шакли, оғир кечиши; оғир хуруж даври; астматик статус, компенсация босқичи. НЕ I-II босқич. II-босқич семизлик.

Касбий бронхиал астма, аралаш ўсимлик чанги туфайли юзага келган, аллергик шакли, ўрта оғир назорат қилинмайдиган кечиши. НЕ 0-босқич. Касбий аллергик ринит. Дон ва ун чангига сезувчанлик (альфа-амилаза).

Диагнозни тузишда нафас етишмовчилиги даражасини кўрсатиш зарур.

### **Клиник кўриниши**

БА нафас йўлларининг сурункали яллиғланиш касаллиги бўлиб, унинг асосий патогенетик механизми бронхларнинг гиперреактивлиги ва асосий клиник кўриниши - бронхоспазм, гиперсекреция ва бронх шиллиқ қавати шиши натижасидаги қисман ёки тўлиқ қайтариладиган (спонтан ёки даволаш натижасида) обструкциядир, одатда бутун кўкрак қафаси юзасида эшитиладиган узайган нафас чиқариш ва айниқса масофадан эшитиладиган юқори тонли қуруқ ҳуштаксимон хириллашлар билан характерланади. Ҳуруж даврида ташқи нафас олиш функциясининг кўрсаткичларининг обструктив тури аниқланади. Бу бузилишлар вақт давомида даволашга (нафас қисишининг камайиши, аускультацияда қуруқ ҳуштаксимон хириллашларининг камайиши ёки тўлиқ йўқолиши, бронходилататорлар ва яллиғланишга қарши дори воситалари қўлланилгандан кейин ташқи нафас функцияси ва НЧТ кўрсаткичларининг ўсиши) ёки унга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгариб туради.

**Банинг характерли асосий симптомлари** - нафас олишнинг қийинлашиви, бўғилиш, ҳуштаксимон хириллашлар, ҳансираш (асосан экспиратор), кўкракда оғирлик ҳисси ва йўтал каби симптомлар кучайишидир. Симптомлар вақт ва интенсивлик бўйича ўзгарувчан бўлиб, кўпинча тун ёки эрталаб тонгда ёмонлашади.

БАнинг клиник кўринишлари респиратор вирус инфекциялари, жисмоний машқлар, аллергенлар таъсири, об-ҳаво ўзгаришлари, носпецифик ирритантлар билан мулоқотда бўлиш орқали қўзғалиши мумкин. БАнинг кечиши вақт давомида ўзгарувчан бўлиб, узоқ давом этувчи нормал ўпка функцияси ва симптомларсиз даврдан (даволаш таъсирида ёки ундан ташқари) бошлаб, нафас қисилиши, бўғилиш ҳуружларининг ошиши, симптоматик терапияга эҳтиёжнинг кўпайиши ва нафас етишмовчилиги белгиларининг зўрайиш ҳолатларигача давом этади.

БАнинг хуружларига нафас йўлларида яллиғланишни қўзғатадиган ёки ўткир бронхоспазмни қўзғатадиган турли триггерлар сабаб бўлиши мумкин. Бу триггерлар турли беморларда сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Асосий триггерларга қуйидагилар киради: респиратор йўллар инфекциялари (асосан вируслар, кўпинча риновируслар), аллергенлар, аэрополлютантлар, жисмоний зўриқиш, метеорологик омиллар, айрим дори воситалари (бета-блокаторлар, «аспиринли БА» (ҳозирги терминологияга кўра ацетилсалицил кислотаси ва ностероид яллиғланишга қарши воситалар (НЯҚВ) томонидан қўзғатилган респиратор касалликлар) - НЯҚВни қабул қилиш, эмоционал реакциялар ва бошқалар. БАнинг хуружига олиб келиши мумкин бўлган бошқа омиллар ҳам мавжуд, булар риносинуситнинг қўзиши, гастроэзофагеал рефлюкс, ҳомиладорлик ва тўлиқ бўлмаган даволаш курслари.

**Хуружларни (қўзиш даврини) ривожланиш хавф омилларига қуйидагилар киради:**

- Назорат қилинмайдиган БА симптомлари;
- ИГКС тайинланмаган, даволанишга ёмон риоя қилиш;
- Қисқа таъсир кўрсатувчи  $\beta_2$ -агонистларни (ҚТБА) ортиқча қўллаш;
- ЖНЧХ<sub>1</sub> пастлиги, айниқса 60%дан кам бўлса;
- Салмоқли психологик ёки ижтимоий-иқтисодий муаммолар;
- Ташқи таъсирлар: чекиш, аллерген таъсири;
- Ҳамроҳ касалликлар: риносинусит, гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги (ГЭРК), тасдиқланган овқат аллергияси, семизлик;
- Балғам ёки қонда эозинофилия;
- Ҳомиладорлик;
- Сўнгги 12 ой ичида бир ёки бир нечта оғир хуружларнинг кузатилиши.

**Болаларда БАнинг асосий клиник симптомлари** ҳуштаксимон хириллашлар, йўтал, ҳансираш, кўпинча тун вақтида ёки уйғонишда кучаяди. Болаларда БА хуружи кузатилганда, ёпишқоқ қуруқ ёки кам миқдорли балғам ажралиши билан кузатиладиган йўтал (баъзан қусишгача), респиратор ҳансираш, шовқинли ҳуштаксимон нафас олишлар кузатилади.

**Беш ёшдан кичик болаларда** (айниқса, 0 дан 2 ёшгача бўлган даврда) ҳуштаксимон нафас олиш/ҳуштаксимон хириллашлар (инглизча "wheezing" – виззинг) симптомлари билан намоён бўладиган бронхиал обструкциянинг қайта-қайта такрорланувчи эпизодлари йўтал ва ҳансираш билан кузатилади. Ушбу симптомлар ўткир респиратор инфекциялар (ЎРИ) пайтида жуда кенг тарқалган бўлгани учун, бу ёш гуруҳида БА ташхиси учун мутлақо патогномоник эмас. Ҳаво оқими чекланишини тасдиқлаш ёки эрта ёшдаги болаларда бронходилататор билан синама ўтказиш кўпинча мумкин бўлмайди, бу ҳам ташхис қўйишни қийинлаштиради. Бундай бронхиал обструкция эпизодлари – ҳуштаксимон нафас олиш (wheezing) фенотипи – симптомлари (клиник кўриниши) ва вақт омилига асосан ажратилиши мумкин.

**Симптомларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда қуйидагилар ажратилади:**

- *ЎРИ билан боғлиқ даврий ҳуштаксимон нафас олиш эпизодлари*, бошқа вақтда симптомлар тўлиқ йўқ бўлади;
- *мульти триггерли ҳуштаксимон нафас олиш эпизодлари*, бунда ЎРИ фонидаги симптомлардан ташқари ҳуштаксимон нафас олиш уйқуда, жисмоний зўриқишда, кулганда, йиғлаганда ва бошқаларда пайдо бўлиши мумкин.

**Вақт омилига асосан қуйидагилар ажратилади:**

- *ўткинчи ҳуштаксимон нафас олиш эпизодлари*, бошланиши ва йўқолиши 3 ёшгача бўлган даврга тўғри келади;
- *персистик ҳуштаксимон нафас олиш эпизодлари*: симптомлар биринчи марта 3 ёшгача бўлган даврда пайдо бўлади ва 6 ёшдан кейин ҳам сақланади;
- *кеч бошланиш*: ҳуштаксимон хириллашлар 3 ёшдан кейин пайдо бўлади.

**Ўсмирларда БАнинг кечиши қуйидагича характерланади:**

- ёш хусусиятлари билан боғлиқ равишда кўпинча тез-тез ва узоқ муддатли ремиссиялар кузатилиши мумкин (14-20 ёшдаги эркакларда махсус IgE синтезининг пасайиши, бронхларнинг гиперреактивлиги пасайиши, симпатoadренал тизим функциясини рағбатлантирувчи тестостерон ишлаб чиқаришининг ошиши кузатилади), бунда кўпинча ўсмирлик давридаги касалликнинг ремиссиясидан кейин катталарда касалликнинг кечиши ёмонлашади;
- психоэмоционал ҳолатнинг хусусиятлари, доимий равишда дори воситаларини қўллашни хоҳламаслик, касалликнинг оғирлигини паст баҳолаш, чекиш (фаол ва пассив чекиш, жумладан электрон сигареталар) БАнинг назорат қилинмайдиган кечишига мойилликка олиб келувчи омиллар ҳисобланади.

**Кексаларда БАнинг кечиши** қўйидаги хусусиятларга эга: диагностикада қийинчиликлар (ҳансирашга сезгирликнинг пасайиши, ўпка ҳажмининг ўзгаришига диафрагма рецепторларининг сезгирлигининг камайиши, гипоксияга химорецепторларининг сезгирлигининг камайиши), ҳамроҳ касалликларнинг мавжудлиги (уларнинг кечиши ва терапияси беморнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатади), ўпка функциясини текшириш ва талқин қилишда қийинчиликлар, даволанишга кам риоя қилиш, ингаляция техникасини бажаришда қийинчиликлар (координациянинг бузилиши – ДАИ учун муҳим, инспиратор оқимнинг пастлиги – ДПИ учун муҳим), ҳамроҳ терапия воситалари билан ўзаро таъсирларни ҳисобга олган ҳолда дори воситасини синчковлик билан танлаш зарурати, потенциал ножўя таъсирларни баҳолаш, тез-тез хуружлар ва ўлим хавфининг юқорилиги.

### **Бронхиал астмани диагностикаси**

Бронхиал астма ташхиси беморнинг шикоятлари ва анамнезини таҳлил қилиш, клиник симптомларнинг хусусияти, физикал текширув маълумотлари, функционал текширув усуллари, махсус аллергологик текширув натижалари, бошқа касалликларни истисно қилиш, синов терапиясининг самарасини баҳолаш асосида қўйилади.

**Болаларда бронхиал астмани диагностика қилишда** қўйидагиларни ҳисобга олиш керак: клиник симптомлар (такрорланувчи бронхообструктив синдромнинг респиратор вирус инфекциялари ва бошқа триггерлар билан боғлиқлиги), физик текширув маълумотлари, бронхиал астмани ривожланиш хавф омилларининг мавжудлиги (оилавий анамнез, беморда бошқа аллергик касалликларнинг мавжудлиги, масалан, атопик дерматит, аллергик ринит), бошқа эҳтимолий бронхиал обструкция сабабларини истисно қилиш.

#### ***Ташхис/ҳолатни аниқлаш учун ҳисобга олиниши керак бўлган мезонлар\*:***

- Характерли шикоятларнинг мавжудлиги: нафас олишнинг қийинлашиш хуружлари, бўғилиш, ҳуштаксимон хириллашлар, ҳансираш (асосан экспиратор), кўкракда оғирлик ҳисси ва/ёки хуружли йўтал (беморда ушбу шикоятлардан ҳеч бўлмаганда бири мавжуд, айниқса катталарда);
- Қайтар бронхиал обструкция эпизодларининг такрорланиши:
  - бронходилататор ва яллиғланишга қарши воситалар қўлланилгандан кейин аускультациясида шифокор томонидан тасдиқланган қуруқ юқори тонли (ҳуштаксимон) хириллашлар хусусияти ўзгариши ёки тўлиқ йўқолиши;
  - НЧТ ва/ёки ЖНЧ<sub>1</sub>нинг пасайиши (ретроспектив ёки қатор тадқиқотларда) ва бронхиал обструкциянинг қайтарлигига ижобий тест (бронходилататор восита қўлланилгандан кейин ЖНЧ<sub>1</sub> 12% ва 200 млдан ортиқ ўсиши);

- анамнестик маълумотларнинг мавжудлиги: аллерген билан контактдан кейин шикоятлар пайдо бўлиши; бошқа аллергик касалликларнинг мавжудлиги (атопик дерматит, аллергик ринит, озиқ-овқат аллергияси); оилавий аллергик анамнезнинг мавжудлиги; аллергологик текширувнинг ижобий натижалари (атопик бронхиал астма учун);
- анамнезтик маълумотларининг мавжудлиги: жисмоний зўриқиш, совуқ ҳавога таъсир қилиш, ўткир ҳидлар, тамаки тутини билан контакт пайтида шикоятлар пайдо бўлиши;
- бошқа сабаблари мавжуд бўлмаган периферик қон ва/ёки балғамда эозинофиллар миқдорининг кўпайиши;
- Синов терапияси фонида ижобий динамика (ҳолатнинг яхшиланиши, НЧТ ва ЖНЧ<sub>1</sub> кўрсаткичларининг яхшиланиши) ва уни бекор қилиш фонида ҳолатнинг ёмонлашиши мумкин.

\* «Бронхиал астма» ташхисини қўйиш учун барча мезонларнинг мавжуд бўлиши шарт эмас.

Ёш болаларда астмани диагностика қилиш муайян қийинчиликлар кузатилади, чунки анамнез тўплаш қийин, боланинг нафас олишида чиқадиган овозларнинг нотўғри талқин қилиниши мумкин (ҳуштаксимон нафас олиш/ҳуштаксимон хириллашлар мутахассис томонидан тасдиқланиши керак), ҳамда бронхообструкциянинг ўзгарувчанлиги (хуружлараро даврда аускультацияда хириллашлар эшитилмаслиги мумкин), ташқи нафас олиш функциясини текширишни ўтказиш имконияти йўқ (баъзан 5 ёшдан катта болалар ҳам тадқиқот ўтказишда буйруқларни тўғри бажара олмайди). 5 ёшдан кичик болаларнинг ота-оналари билан суҳбатлашганда БАни гумон қилишга имкон берадиган клиник симптомларни аниқлаш учун ЎРИ фонида ҳам, респиратор инфекция эпизодлари ўртасида ҳам кўринишларнинг мавжудлигини, шунингдек, ирсий мойилликни ва аллергологик анамнез маълумотларини аниқлаш керак. Анамнез тўплашда сўнги 3-4 ой ичидаги барча кўринишларни аниқлаш, охириги 2 ҳафта давомида безовта қилганларига алоҳида эътибор қаратиш керак.

### **6-жадвал. 6 ёшдан катта болалар ва катталарда нафас олиш ҳажмининг ўзгарувчанлигини тасдиқлаш**

<b>Мезонлар</b>	<b>Интерпретация</b>
<b>Ҳужжатли тасдиқланган ўпка функциясининг ўзгарувчанлиги (қуйидагилардан бир ёки кўпроғи)</b>	Ўзгарувчанлик қанчалик кучли ифодаланган бўлса ёки қанча тез-тез аниқланса, астма ташхиси эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Бирламчи натижалар салбий бўлганида текширувни аҳвол ёмонлашиш даврида ёки эрталаб такрорлаш зарур.
Бронхиал обструкциянинг қайтарлигига ижобий тест (доривор воситалар	<u>Катталар:</u> ЖНЧ <sub>1</sub> нинг 12%дан ва >200 млдан кўпроқ ошиши (ЖНЧ <sub>1</sub> нинг >15% ва >400 мл ошиши БА ташхиси эҳтимолини оширади)

Мезонлар	Интерпретация
қўлланилган ҳолда нафас олиш ҳажмини текшириш)	<u>Болалар:</u> ЖНЧ <sub>1</sub> нинг бошланғич даража кўрсаткичидан 12%дан кўпроқ ошиши.
НЧЧТнинг икки ҳафта давомида кунига икки марта (эрталаб ва кечқурун) ўлчанганда сезиларли ўзгарувчанлиги	<u>Катталар:</u> НЧЧТнинг ўртача кунлик ўзгарувчанлиги >10% <u>Болалар:</u> НЧЧТнинг ўртача кунлик ўзгарувчанлиги >13%
Тўрт ҳафталик даволашдан кейин ўпка функциясининг яхшиланиши	<u>Катталар:</u> ИГКС билан 4 ҳафта даволангандан кейин ЖНЧ <sub>1</sub> нинг бошланғич даражага нисбатан 12%дан ва >200 млдан кўпроқ ошиши (ёки НЧЧТнинг 20%дан кўпроқ ошиши). Ўлчов респиратор инфекция белгилари йўқлигида ўтказилади.
Жисмоний зўриқиш билан ижобий тест (жисмоний зўриқиш билан провокация қилинганда нафас олиш ҳажмини текшириш)	<u>Катталар:</u> ЖНЧ <sub>1</sub> нинг бошланғич даражага нисбатан 10%дан ва >200 млдан кўпроқ пасайиши. <u>Болалар:</u> ЖНЧ <sub>1</sub> нинг прогноз қилинган кўрсаткичдан 12%дан кўпроқ ёки НЧЧТнинг бошланғич даражага нисбатан 15%дан кўпроқ пасайиши.
Ижобий бронхопровокация тест (доривор воситалар қўлланилган ҳолда нафас олиш ҳажмини текшириш) (катталарда ўтказилади)	ЖНЧ <sub>1</sub> нинг бошланғич даражага нисбатан 15% ва ундан кўпроқ пасайиши стандарт гипервентиляция, гипертоник туз эритмаси ёки маннитол қўлланилганда, ёки метахолиннинг стандарт дозаларидан фойдаланилганда 20% ва ундан кўпроқ пасайиши (таҳлил учун мавжуд модда билан).
Текширувлар орасида ўпка функциясининг сезиларли ўзгарувчанлиги (юқори спецификлик, аммо паст сезгирлик).	<u>Катталар:</u> мутахассис билан маслаҳатлар орасида ЖНЧ <sub>1</sub> нинг 12%дан ва >200 млдан кўпроқ ўзгариши (респиратор инфекция белгилари йўқ бўлганда) <u>Болалар:</u> мутахассислар билан маслаҳатлар орасида ЖНЧ <sub>1</sub> нинг 12%дан кўпроқ ёки НЧЧТнинг 15%дан кўпроқ ўзгариши (шу жумладан респиратор инфекция даврида ҳам).
<b>Ҳужжатли тасдиқланган экспиратор ҳаво оқимининг чекланиши</b>	ЖНЧ <sub>1</sub> пасайганда, ЖНЧ <sub>1</sub> /ЎЖТС нисбати ҳам норманинг пастки чегарасига нисбатан (>0,75-0,80 катталарда ва >0,90 болаларда) пасайганлиги тасдиқланади.

**Изоҳ.** БА – бронхиал астма, ИГКС – ингаляцион глюкокортикоидлар НЧЧТ – нафас чиқариш чўққи тезлиги, ЖНЧ<sub>1</sub> – 1-сонияда жадал нафас чиқариш ҳажми, ЎЖТС – ўпканинг жадал тириклик сифиси, SpO<sub>2</sub> – гемоглобиннинг кислород билан тўйиниши, РаО<sub>2</sub> – артериал қондаги кислороднинг палциал босими, РаСО<sub>2</sub> – артериал қондаги карбонат ангидрит газининг парциал босими, РЕФ (НЧЧТ)– нафас чиқариш чўққи тезлиги

**7-жадвал. 5 ёшдан кичик болаларда бронхиал астма эҳтимолини оширувчи клиник белгилари**

Кўрсаткичлар	Бронхиал астма эҳтимоли		
	Бронхиал астма эҳтимоли паст	Бронхиал астма ўрта эҳтимол даражаси	бронхиал астма юқори эҳтимол даражаси
<b>ЎРИ вақтида пайдо бўладиган симптомлар</b>	Йўтал, нафас олишнинг қийинлашиши, ҳуштаксимон хириллашлар, уларнинг 10 кундан кам давом этиши	Йўтал, нафас олишнинг қийинлашиши, ҳуштаксимон хириллашлар, уларнинг 10 кундан кўп давом этиши	Йўтал, нафас олишнинг қийинлашиши, ҳуштаксимон хириллашлар, уларнинг 10 кундан кам давом этиши
<b>Симптомлар пайдо бўлиш сони</b>	2- 3 марта йилига	Йилига 3 тадан ортиқ эпизодлар, ёки оғир кечиши ва/ёки симптоматиканинг тунги вақтда ёмонлашиши	Йилига 3 тадан ортиқ эпизодлар, ёки оғир кечиши ва/ёки симптоматиканинг тунги вақтда ёмонлашиши
<b>Ўри эпизодларидан ташқари симптомларнинг мавжудлиги</b>	йўқ	Вақт-вақти билан йўтал, ҳуштаксимон ёки қийинлашган нафас олиш пайдо бўлиши мумкин	Ўйинлар ёки кулиш вақтида ҳуружсимон йўтал, ҳуштаксимон ёки қийинлашган нафас олиш пайдо бўлиши мумкин
<b>Аллергоанамнез</b>			Аллергик сенсбилизация, атопик дерматит, озиқ-овқат аллергияси, оила аъзоларида БАнинг мавжудлиги

**Изоҳ.** БА – бронхиал астма, ЎРИ - ўткир респиратор инфекция.

Шундай қилиб, анамнезида такрорланувчи ҳуштаксимон нафас олиш эпизодлари бўлган 5 ёшгача бўлган болада бронхиал астма ташхиси қуйидагилар мавжуд бўлганда кўпроқ эҳтимолий бўлади:

- ҳуштаксимон нафас олиш ёки йўтал жисмоний зўриқиш, кулги, йиғи пайтида ёки респиратор инфекциянинг аниқ белгилари йўқлигида пайдо бўлади;
- боланинг ўзида ёки биринчи даражали қариндошларида аллергик касалликлар (атопик дерматит, аллергик ринит)нинг мавжудлиги ёки аллергияларга сенсбилизация ёки астма мавжудлиги;

- талаб бўйича қисқа таъсир қилувчи  $\beta$ 2-агонистлар билан биргаликда ингаляцион глюкокортикоидларнинг кам дозали 2-3 ойлик курси давомида клиник ҳолатнинг яхшиланиши. Терапия бекор қилинганда ёмонлашиш кузатилади;

- альтернатив касалликлар истисно қилинган.

**8- жадвал. Катталарда бронхиал астма эҳтимоли юқори эканлигини кўрсатувчи клиник белгилари**

Бронхиал астма мавжудлиги эҳтимолини оширувчи клиник белгилари	Бронхиал астма мавжудлиги эҳтимолини камайтирувчи клиник белгилари
<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Қуйидаги симптомлардан биттасидан кўпроғининг мавжудлиги – ҳуштаксимон хириллашлар, бўғилиш, кўкрак қафасида оғирлик ҳисси ва йўтал, айниқса қуйидаги ҳолларда: - симптомлар асосан тунда ва эрталаб тонгда ёмонлашади; - жисмоний зўриқиш, аллергенлар ва совуқ ҳаво таъсирида симптомлар пайдо бўлади; - ацетилсалицил кислотаси ёки бета-адреноблокаторларни қабул қилгандан кейин симптомлар пайдо бўлади;</li> <li>▪ Анамнезда атопик касалликларнинг мавжудлиги;</li> <li>▪ Қариндошларда БА ва/ёки атопик касалликларнинг мавжудлиги;</li> <li>▪ Кўкрак қафасини аускультация қилганда тарқалган қуруқ ҳуштаксимон хириллашлар мавжудлиги;</li> <li>▪ Бошқа сабаблар билан тушунтириб бўлмайдиган НЧЧТ ёки ЖНЧХ<sub>1</sub> кўрсаткичларининг пастлиги (ретроспектив ёки қатор тадқиқотларда);</li> <li>▪ Бошқа сабаблар билан тушунтириб бўлмайдиган периферик қон эозинофилияси.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Яққол бош айланиши, кўз олдининг қоронғулашиши, парестезиялар;</li> <li>▪ Ҳуштаксимон хириллашлар ёки бўғилишсиз сурункали балғамли йўтал;</li> <li>▪ Симптомлар мавжуд бўлганда ҳам кўкрак қафаси текширувнинг доимо нормал натижалари;</li> <li>▪ Овознинг ўзгариши;</li> <li>▪ Симптомлар фақат шамоллаш касалликлари фонида пайдо бўлиши;</li> <li>▪ Узоқ вақт давомида чекиш (20 пачка/йилдан ортиқ);</li> <li>▪ Юрак касалликлари;</li> <li>▪ Клиник кўринишлар мавжуд бўлганда НЧЧТ ёки спирометрия кўрсаткичларининг нормал бўлиши.</li> </ul>

**Изоҳ:** БА – бронхиал астма, НЧЧТ – нафас чиқариш чўққи тезлиги, ЖНЧХ<sub>1</sub> – 1-сонияда жадал нафас чиқариш ҳажми.

## Шикояти ва анамнези

Барча беморларга, ҳам БАдан шубҳаланганда, ҳам аниқланган ташхисда, анамнез ва юқори ва пастки нафас йўллари касалликлари бўйича шикоятларни тўплаш тавсия этилади. Бу ташхисни тасдиқлаш, оғирлик даражасини аниқлаш ва даволаш тактикаси танловига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларни аниқлаш мақсадида амалга оширилади (*тавсиялар даражаси/шкаласи ЗС*).

**Изоҳ.** Асосийлари бу нафас олишнинг қийинлашиш ҳужралари, бўғилиш, ҳуштаксимон нафас олиш, ҳансираш, йўтал, кўкрак қафасида оғирликлик ҳиссидир. Барча симптомларнинг мавжудлиги шарт эмас. Диагностикада муҳим омил бу анамнезни синчковлик билан йиғиш, бу симптомларнинг пайдо бўлиш сабаблари, давомийлиги ва бартараф этилиши, аллергия касалликлар (атопик дерматит, аллергия ринит, озиқ-овқат аллергияси)нинг бемор ва унинг қариндошларида мавжудлигини, касаллик белгилари ва унинг зўрайиш сабаблари ва оқибатлари хусусиятларини аниқлайди, булар беморда БАнинг мавжудлиги эҳтимолини оширувчи асосий клиник белгилар ҳисобланади.

Анамнез тўплашда типик симптомокомплексга эътибор бериш лозим: такрорланувчи йўтал ҳужралари, ҳуштаксимон нафас, нафас олишда қийинчилик ёки кўкракда оғирлик ҳисси, турли триггерлар (респиратор инфекция, тамаки тутуни, ҳайвонлар ёки гул чанги билан контакт ва ҳ.к.; жисмоний зўриқиш, стресс) билан чақирилади ва асосан тун ёки эрталаб намоён бўлади. БАнинг муҳим клиник белгилари симптомларнинг ўз-ўзидан ёки дори терапиясидан кейин йўқолишидир.

5 ёшдан катта болаларда ҳуштаксимон нафас, ҳансираш, йўтал, нафас олишда қийинчилик БАнинг асосий симптомлари ҳисобланади. Такрорланувчи ҳуштаксимон хириллашлар, айниқса шифокор томонидан аускультация вақтида тасдиқланган ва тиббий ҳужжатларда қайд этилган ҳолатлар энг муҳим белгилари ҳисобланади. Аммо, болада юқоридаги симптомлар мавжудлигига асосланиб, фақатгина БА ташхиси қўйилмаслиги керак. Симптомлар ОРИ фонида ва ундан ташқари ҳам аниқланади.

Ташхис ва даволаш мавжуд бўлмаган ҳолларда, шунингдек ёмон назорат қилинадиган БАга чалинган кичик ёшдаги болалар учун жисмоний фаолият симптомларнинг пайдо бўлишида жуда муҳим таъсирловчи омил ҳисобланади, бу таъсир остида бола кундалик фаолиятини (ҳаракатлар, ўйинлар) чеклайди, асабийлашади, тез чарчайди.

5 ёшдан кичик болаларда агар паст дозали ИГКС билан 2-3 ойлик даволаш курси ва талабга кўра ҚТБА ишлатилиши туфайли клиник яхшиланиш кузатилса ва даволаш тўхтатилганда ҳолат ёмонлашса бундай ҳолатларда БА ташхиси эҳтимоли жуда юқори бўлади. Шу билан бирга, бошқа касалликлар истисно қилиниши керак.

## Физикал текшириш

Барча беморларга, БАга шубҳа бўлганда ҳам, аниқ диагноз қўйилганда ҳам умумий ҳолатни баҳолаш, юқори нафас йўлларининг визуал текшируви, умумий терапевтик визуал текширув ва умумий терапевтик аускультацияни ўз ичига олган физик кўрик ўтказиш тавсия этилади. Бу касалликнинг клиник-динамик хусусиятларини аниқлаш, ҳамроҳ патология белгилари ва ҳолат оғирлигини **(тафсиялар даражаси/шкаласи 3С)** аниқлаш учун йўналишларни топиш мақсадида амалга оширилади.

**Изоҳ.** Агар физикал кўрикда касалликнинг оғир хуружи кузатилса, нафас етишмовчилиги белгилари аниқланиши мумкин: узоқдан эшитиладиган хуштаксимон нафас, мажбурий ҳолат (ортопноэ), тахипноэ, тарқалган цианоз, нафас олиш жараёнида қўшимча мушак гуруҳларининг иштирок этиши.

Аускультацияда нафас олиш "Гунг ўпка" даражасигача кучсизланиши мумкин (тарқалган бронхоспазм ва кичик бронхларнинг ёпишқоқ секрет билан тўлиб қолиши натижасида), қуруқ юқори тонли (хуштаксимон) хириллашлар эшитилади, улар айрим беморларда фақат жадал нафас чиқаришда эшитилиши мумкин. Бироқ, нафас олиш тизимидаги бундай ўзгаришлар бўлмаслиги ҳам мумкин (хуружлараро даврда, астма симптомларининг адекват назоратида). Кўрикда шунингдек аллергия ринит ёки бурун полипозига хос белгилар аниқланиши мумкин (бурун орқали нафас олишининг қийинлашуви; оғизнинг очиқ туриши).

Эслатиб ўтиш лозимки, кўрикда аниқланган нафас қисиши фақат астма билан боғлиқ эмас, балки юқори нафас йўлларидаги тўсиқ, катталарда асосан учрайдиган сурункали обструктив ўпка касаллиги (СОЎК) сабабли, ёш болаларда респиратор инфекция, трахеомалация ёки бегона жисмни нафас йўлларига ўтиши сабабли ҳам пайдо бўлиши мумкин. Крепитация ва нам хириллашлар БА учун хос эмас, аммо БА ва қўйи нафас йўлларининг бошқа ҳамроҳ касаллиги (ўткир бронхит, ўткир пневмония ва ҳ.к.) бўлганда истисно қилинмайди.

БАнинг оғир хуружлари ва ўткир нафас етишмовчилиги белгилари (SpO<sub>2</sub> 90% дан кам) бўлган беморлар стационарга келганидан кейин 30 дақиқадан кечикмасдан анестезиолог-реаниматолог шифокор томонидан кўриқдан ўтишлари **тавсия этилади. (тафсиялар даражаси/шкала 3С).**

Барча беморларга бошланғич мурожаатда, терапия белгилангандан кейин 2-4 ҳафта ўтиб ва диспансер кузатувида ҳар 3 ойда астма симптомлари назорати даражасини махсус сўровномалар ёрдамида баҳолаш **тавсия этилади.** Бу оғирлик даражасини аниқлаш, динамикада эса олдин белгиланган терапиянинг самарадорлигини баҳолаш ва уни ўзгартириш заруратини аниқлаш учун амалга оширилади **(тафсиялар даражаси/шкала 3С).**

**Изоҳ.** БА беморларини даволашда замонавий ёндашувлар даволаш самарадорлигини аниқлаш ва уни ўзгартириш заруратини аниқлаш мақсадида симптомлар назорати даражасини, хуружлар хавфи (жумладан, оғир)ни, қайтариб бўлмайдиган бронхиал обструкцияни ва дори воситаларининг ножўй таъсирларини баҳолашни талаб қилади.

**Изоҳ.** Зинама-зина терапияга мувофиқ будесонид+формотеролнинг паст дозасини талабга биноан қўллаётган беморларда назорат даражасини баҳолашда дори воситасини қўллаш сонини ҳисобга олиш ва ИГКС дозасини ўзгартириш зарурати ҳақида қарор қабул қилишда инobatга олиш лозим, ҳатто БА хуружи хавфи ҚТБАдан симптомларни енгиллатиш учун фойдаланилган ҳолатга қараганда анча паст бўлса ҳам.

Агар астма симптомлари устидан назорат етарли бўлмаса ёки умуман бўлмаса, беморнинг даволанишга садоқатини (олдин белгиланган даво режимини ва дозаларини бажараётганлигини) текшириш, ингалятордан фойдаланиш техникасини тўғри эканини текшириш, хавф омиллари (масалан, сабаб бўлган аллерген, тамаки тутуни таъсири давом этиши, бета-адреноблокаторлар ва бошқа БА назоратига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган дори воситалари қўлланиши) мавжудлигини аниқлаш лозим.

### **Лаборатор диагностик текширувлар**

БА диагностикасида, БАнинг оғир хуружлари даврида, аллерген-специфик иммунотерапиясини ўтказишдан олдин, ген-инженер биологик терапияни (ГИБТ) белгилашдан олдин ва таргетли терапияни давом эттиришда **кенгайтирилган умумий (клиник) қон таҳлилини** ўтказиш тавсия этилади. Бу эозинофиллар даражасининг ошишини аниқлаш ёки инфекциялар билан дифференциал диагностика қилиш ёки даволаш тактикаси белгилашда асоратларни аниқлаш учун ёки аллерген-специфик иммунотерапия ўтказишга қарши кўрсатмаларни истисно қилиш ёки таргетли терапия препаратларини танлаш ва ўтказилаётган даволашнинг хавфсизлигини назорат қилиш мақсадида амалга оширилади (**тафсиялар даражаси/шкала 3С**).

**Изоҳ.** БА хуружлари даврида эозинофиллар даражасининг ошиши мумкин. Шу билан бирга, периферик қондаги эозинофилиянинг бошқа сабаблари ҳам бўлиши мумкин (паразитар инфекциялар, замбуруғли инфекциялар ва ҳ.к.), ва эозинофиллар даражаси 450 кл/мклгача нормал вариант ҳисобланади. Периферик қон эозинофилларининг нормал даражаси БАнинг йўқлигини исботламайди. Шунингдек, баъзи дори воситалари қабул қилиниши бу параметрга таъсир қилишини ҳисобга олиш лозим (тизимли антигистамин воситалар, лейкотриен рецепторлари антагонистлари ва глюкокортикоидларнинг (тизимли таъсирли) қабул қилиниши, анти-ИЛ5 ва анти-ИЛ5R моноклонал антителлар терапияси периферик қонда эозинофилия даражасининг камайишига олиб келиши мумкин).

Бактериал яллиғланиш белгиларининг (лейкоцитоз, лейкоцитар формуланинг чапга силжиши) ошиши инфекцион яллиғланиш манбасини (юқори нафас йўллари инфекцияси, бронхит, пневмония ва ҳ.к.) излаш учун сабаб ҳисобланади. Гемоглобиннинг паст даражаси темир етишмовчилиги анемиясидан далолат бериши мумкин, унинг белгиларидан бири БАга ўхшаб ҳансираш ҳисобланади.

Гемоглобин даражасининг ошиши СНЕда кузатилиши мумкин, бу сурункали гипоксемия фонида компенсация хусусиятига эга бўлиб, иккиламчи эритроцитоз ва гиперкоагуляция билан боғлиқ, бу микроциркуляциянинг бузилишлари ва касаллик кечишининг ёмонлашувига олиб келади. Динамикада текширувлар сони индивидуал тартибда белгиланади.

Периферик қондаги эозинофиллар ҳозирда БА фенотипини аниқлашда биомаркер сифатида ҳамда ИГКС, тГКС ва ГИБП терапиясига жавоб индикатори сифатида ҳам қўлланилади. Бугунги кунда эозинофил эндотипли оғир бронхиал астманинг хос биомаркерлари сифатида қуйидагилар қабул қилинган: периферик қондаги эозинофиллар сони  $\geq 150$  кл/мкл ва/ёки балғамдаги эозинофиллар сони  $\geq 3\%$ , ва/ёки нафас чиқарилаётган ҳавода азот оксиди (FeNO) даражаси  $\geq 20$  ppb. Бунда, системали ГКС ва анти-ИЛ5, айниқса, анти-ИЛ5R қўлланилиши эозинофиллар сонини кескин ва узоқ муддатга камайтиришини ҳисобга олиш лозим. Бундай ҳолларда эозинофил турдаги яллиғланишни тасдиқлаш анамнез маълумотлари бўйича ушбу препаратлар қўлланилишидан олдин ретроспектив равишда ўтказилади. Шунингдек, жуда юқори эозинофилия даражаси (1500 кл/мклдан юқори) бошқа сабабларни истисно қилишни талаб қилади (эозинофил гранулематозли полиангиит (ЭГПА), гиперэозинофил синдроми ва бошқа онкопатология вариантлари, аллергия бронхўпка аспергиллези (АБЎА) ва ҳ.к.).

Шу билан бирга, анти-ИЛ4R моноклонал антителлар (дупилумаб) қўлланилиши кўп ҳолларда клиник аҳамиятга эга бўлмаган периферик қондаги эозинофиллар сонининг ошишига олиб келиши мумкин. Бироқ, жуда кам ҳолларда бўлсада, периферик қондаги эозинофиллар сонининг кескин юқори қийматларгача (5000 кл/мклдан юқори) ошиши ҳолатлари қайд этилгани сабабли, дупилумаб терапияси жараёнида периферик қондаги эозинофиллар даражасини мунтазам мониторинг қилиш ва клиник натижаларни баҳолаш зарур.

Ёш хусусиятларини ҳисобга олиш лозим, чунки, катта ёшдаги БА беморларида периферик эозинофилия ва нафас йўллари эозинофилияси ўзаро боғлиқ бўлса, болаларда, айниқса, мактабгача ёшдаги болаларда, ўтказилган тадқиқотларга кўра, эозинофиллар сони 100 кл/мклдан кам бўлганида ҳам нафас йўлларида кучли яллиғланиш кузатилиши мумкин, шу билан бирга, эозинофилия айрим соғлом болаларда ҳам аниқланиши мумкин.

Шунингдек, болалар популяциясида периферик қон эозинофилияси сабаблари сифатида турли паразитар инфекциялар (аскаридоз, анисакидоз, токсокароз, стронгиллоидоз ва ҳ.к.) катталарга нисбатан тез-тез аниқланади (истиқомат қилаётган ҳудуднинг эндемиклиги ва овқатланиш одатларини ҳисобга олган ҳолда). Бу инфекцияларни диагностика қилиш учун ахлатни тегишли патогенга молекуляр-биологик текширишлар ўтказилиши, ахлатда тегишли патогеннинг ДНКсини ПЦР усули билан аниқлаш ҳамда ушбу патогенларга нисбатан IgE, IgM, IgG синфларига мансуб антителларини аниқлаш мумкин.

Гиперпродукцияли балғами бўлган беморларга ёки БАнинг оғир хуружи даврида ва ген-инженер биологик терапиясини белгилашдан олдин, балғамнинг **цитологик текшируви** ўтказилиши **тавсия этилади**, бу балғамдаги эозинофилияни аниқлаш, ёки инфекцияни яллиғланиш белгиларини аниқлаш, ёки БА фенотипини аниқлаш мақсадида замбуруғ мицелийларини аниқлаш, қуйи нафас йўлларидаги бошқа патологиялари билан дифференциал диагностика қилиш учун амалга оширилади (**тафсиялар даражаси/шкала 3С**).

**Изоҳ.** Балғамда эозинофилия  $\geq 3\%$  эозинофил яллиғланиши биомаркерларидан бири бўлиб, эозинофил фенотипли БА учун бошқа белгилари билан бир қаторда хосдир (юқоридаги изоҳларга қаранг). Шу билан бирга, балғамда эозинофилиянинг бошқа сабаблари ҳам бўлиши мумкин (ЭГПА, АБЎА, микозлар). ИГКС асосий терапияси сифатида қўлланилаётган беморларда балғамда юқори даражада сақланиб қолган эозинофилия (50-70% ва ундан кўп) ИГКСнинг етарли самара бермаётганлигидан далолат беради (ингалятордан нотўғри фойдаланиш ёки паст комплаенс натижасида бўлиши мумкин), шунингдек, кейинги хуружлар хавфини оширадиган нохуш омил ҳисобланади.

БА диагностикасида ва ген-инженер биологик терапияни белгилашдан олдин, беморларда қондаги умумий иммуноглобулин Е даражасини ўрганиш **тавсия этилади**, бу касаллик фенотипини аниқлаш, шунингдек, омализумаб билан даволаш учун кўрсатмаларни аниқлаш (зарур бўлганда), унинг терапевтик дозасини белгилаш ва даволаш режимини танлаш мақсадида амалга оширилади (**тафсиялар даражаси/шкала 3С**).

**Изоҳ.** Қон зардобидаги умумий IgE даражасининг нормал ёки ошганлиги аллергия касалликлар, жумладан, аллергия (атопик) фенотипли БАнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини исботламайди. Умумий IgEнинг нормал даражаси сабаб бўлувчи аллергияларга нисбатан юқори даражадаги махсус IgE билан бирга бўлиши мумкин, шу билан бирга, умумий IgEнинг ошган даражаси сенсibiliзация ва атопия бўлмаган ҳолатда ҳам кузатилиши мумкин (умумий IgEнинг ошган даражасига бошқа сабаблар паразитар инфекция, замбуруғ инфекцияси, онкопатология, гипер-IgE синдроми ва бошқалар бўлиши мумкин).

Омализумабнинг таъсири эркин IgEни максимал даражада боғлашда намоён бўлади. Омализумаб дозасини ҳисоблаш ва даволаш режимини индивидуал тарзда, кўрсатмалар мавжуд бўлган ҳолларда, тана вазни ва умумий IgEнинг бошланғич даражасига (омализумаб биринчи марта қўлланилишидан олдин) қараб амалга оширилади.

БАнинг бошланғич диагностикасида, динамик кузатув жараёнида ва тери синамалари ўтказишга қарши кўрсатмалар ёки бошқа сабаблар мавжуд бўлганида, тери синамалари натижалари шубҳали бўлганида, анамнез йиғишда олинган маълумотлар билан тери синамалари натижалари ўртасида тафовут бўлганида ўсимлик, ҳайвон ва кимёвий манбаларнинг антигенларига қарши антителлар даражасини (аллерген-специфик IgE антителлар даражасини аниқлаш) ўрганиш **тавсия этилади**. Бу аллергия фенотибли БАни тасдиқлаш, сабаб бўлувчи аллергияларни аниқлаш, турмуш тарзи ва овқатланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, ҳамда аллергия-специфик иммунотерапия ўтказишнинг мақсадга мувофиқлигини белгилаш учун амалга оширилади (**тафсиялар даражаси/шкала 2А**).

**Изоҳ.** Қон зардобида аллергия-специфик IgE антителлари даражасини аниқлаш тери синамалари натижалари ишончсиз бўлган ёки уларни қўйиш имконияти бўлмаган (масалан, аллергия касалликнинг хуруж даврида ёки бошқа қарши кўрсатмалар мавжудлигида) ёки зарур диагностик аллергиялар мавжуд бўлмаган ҳолларда жуда муҳимдир. Тест натижаси миқдорий натижа сифатида кўрсатилади ва  $\geq 0.70$  kU/l қийматда позитив деб ҳисобланади.

Йил давомида динамик кузатувда янги клиник аҳамиятга эга сенсibilизация пайдо бўлишига шубҳа туғилганда қайтадан таҳлил ўтказиш мумкин.

Алергологик текширув натижаларининг **интерпретацияси** анамнез маълумотлари ва клиник манзара билан таққосланиб ўтказилади, чунки сенсibilизация клиник аҳамиятга эга ёки латент бўлиши мумкин.

Бронхиал обструкция эпизодлари бўлган болада аллергияларга сенсibilизация мавжудлиги келгусида БА ривожланишининг ишончли прогноз белгиси ҳисобланади.

БА мавжуд бўлган 3 ёшдан катта болаларнинг кўпчилигида аэроаллергияларга сенсibilизация кузатилади. Бироқ, тарқалган аэроаллергияларга нисбатан махсус IgEнинг нормал кўрсаткичлари БА диагностикасини истисно қилмайди.

БАнинг оғир нафас етишмовчилиги ривожланиши билан бирга келадиган оғир хуруж даврида, артериал қондаги кислота-ишқорий ҳолат ва қондаги газларни (кислороднинг парциал босими – PaO<sub>2</sub>; углерод газининг парциал босими – PaCO<sub>2</sub>; pH ва бикарбонатлар (HCO<sub>3</sub><sup>-</sup>) даражасини) ўрганиш **тавсия этилади**. Бу натижаларни баҳолаш, оксигенотерапия ёки сунъий ўпка вентилизациясининг мақсадга мувофиқлигини объектив тушуниш учун амалга оширилади (**тафсиялар даражаси/шкала 3С**).

**Изоҳ.** Ҳолатни назорат қилиш ва ўтказилаётган даволаш самарадорлигини баҳолаш учун ушбу кўрсаткичларни динамик текшириш талаб этилади.

БА билан касалланган, юқори ва қуйи нафас йўлларининг такрорланувчи бактериал инфекциялари (ўткир риносинуситлар, отитлар, бронхитлар, пневмониялар) билан тез-тез касалланадиган беморларда қондаги иммуноглобулинлар А, М, G даражасини ўрганиш **тавсия этилади**. Бу гуморал иммунитет тизимидаги бузилишларни аниқлаш учун амалга оширилади (**тафсиялар даражаси/шкала 3С**).

**Изоҳ.** Антитела синтезининг бузилиши билан кечадиган иммунодефицитлар (болалар популяцияси учун кўпроқ хос бўлган бирламчи ва иккаламчи) нафас аъзоларининг такрорланувчи инфекциялари, капсулали бактерияларга юқори сезгирлик, стандарт антибактериал терапия режимларига резистентлик кузатилиб ва охир-оқибат ўпка тўқимасидаги структуравий ўзгаришларга (бронхоэктазлар, пневмосклероз, пневмофиброз) олиб келади. Мос клиник манзара ва бошқа диагностик мезонлари бўйича антитела синтезининг бузилишларини эрта аниқлаш, антитела синтези етишмовчилиги билан бирламчи ёки иккаламчи иммунодефицит мавжудлигидан далолат бериши мумкин ва такрорланувчи инфекциялар ва номақбул натижалар хавфини камайтириш мақсадида инсон нормал иммуноглобулини препаратлари билан ўринбосар терапия ўтказишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш имконини беради. Текширишларнинг сони индивидуал тартибда белгиланади.

БАнинг оғир хуружи билан касалланган беморларда, айниқса, қандли диабет билан бирга ўтаётган беморларда, тизимли таъсир этувчи кортикостероидлар (глюкокортикоидлар) белгилашдан олдин ва даволаш жараёнида қондаги глюкоза даражасини текшириш **тавсия этилади**. Бу бошланғич даражани баҳолаш ва мониторинг ўтказиш учун ўтказилаётган терапиядан келиб чиқадиган ноўя таъсирларни хавфини камайтириш мақсадида амалга оширилади (**тафсия даражаси/шкала 3С**).

**Изоҳ.** Тизимли таъсир этувчи кортикостероидлар (глюкокортикоидлар) кўплаб ноўя реакцияларга эга, жумладан, қонда глюкоза даражасининг ошиши. Қандли диабет билан бирга касалланган ва уни ривожлантириш хавфи (углеводларга толерантликнинг бузилиши) бўлган беморлар глюकोкортикоидлар билан даволаш вақтида қондаги глюкоза даражасини назорат қилишлари жуда муҳим. Бу қўшимча равишда қанд миқдорини пасайтирувчи дори воситаларни белгилашни ёки аввал белгиланган дозаларни оширишни талаб қилиши мумкин. Текшириларнинг сони индивидуал тартибда белгиланади.

Турли клиник ҳолатларда БАни бошқа патологиялардан фарқлаш диагностикасини ўтказиш мақсадида ёки оғир БАни назорат қилиш мумкин бўлмаган ҳолларда (юқори комплаенс сақланганида) асосий касалликнинг кечишини оғирлаштирувчи ҳамроҳ касалликларни аниқлаш учун қўшимча тадқиқотларни амалга ошириш имкониятини кўриб чиқиш **тавсия этилади** (кўрсатмалар бўйича, шикоятлар ва клиник манзарани ҳисобга олган ҳолда): эркин трийодтиронин (Т3), эркин тироксин (Т4), тиреотроп гормони (ТТГ), кортизол, С-реактив оқсил, антинејтрофил цитоплазматик антителлар даражасини ўрганиш, қондаги Д-димер концентрациясини аниқлаш, балғамни аэроб ва факультатив анаэроб микроорганизмлар, мицелиал ва ачитқили замбуруғлар учун микробиологик (культурал) текширишлар ўтказиш мумкин. **Тадқиқотлар рўйхати клиник ҳолатга қараб тўлдирилиши мумкин (тафсиялар даражаси/шкала 3С).**

### **Инструментал диагностика текширувлар**

Спирометрия (синамасиз нафас ҳажми ва оқимини текшириш) 5 ёшдан катта бўлган барча беморларда БА ташхислашда, бошланғич мурожаатда, терапия белгилангандан кейин 2-4 ҳафта ўтиб ва диспансер кузатувида ҳар 6-12 ойда, ген-инженер биологик терапияни белгилашдан олдин ва таргет терапияни давом эттиришда ўтказилиши **тавсия этилади**, ҳамда бронхиал обструкция даражасини баҳолаш учун, динамикада эса олдин белгиланган даволаш самарадорлигини баҳолаш ва уни ўзгартириш заруратини аниқлаш мақсадида амалга оширилади; шунингдек аллерген-специфик иммунотерапия ўтказишдан олдин, аллерген-специфик иммунотерапияга қарши кўрсатмаларни истисно қилиш учун **(тафсиялар даражаси/шкала 3С).**

**Изоҳ.** БАни ташхислашда клиник амалиётда баҳоланадиган асосий спирометрик кўрсаткичлар: 1-сонияда жадал нафас чиқариш ҳажми (ЖНЧ<sub>1</sub>), ўпканинг тириклик сиғими (ЎТС) ва ўпканинг жадал тириклик сиғими (ЎЖТС), ЖНЧ<sub>1</sub>/ЎЖТС нисбати (Генслер индекси ёки Тиффно индекси) бўлиб, улар бронхиал обструкцияда диагностика кўрсаткичлари ҳисобланади. Нафас йўлларининг торайиши бронхиал қаршилиқнинг ортиши туфайли ҳаво оқими тезлигининг пасайишига олиб келади, бу функционал равишда жадал нафас чиқариш тезлиги кўрсаткичларининг камайиши билан намоён бўлади. Барча кўрсаткичлар орасида энг муҳим кўрсаткич ЖНЧ<sub>1</sub> бўлиб, уни ўлчаш стандартилаштирилган ва бошқа жадал нафас чиқариш кўрсаткичларига нисбатан у қўлланган кучдан камроқ таъсирланади. Шундай қилиб, ҳаво оқими обструкциясининг физиологик аниқланиши ЖНЧ<sub>1</sub> ва ўпканинг жадал тирилиқ сиғими (ЎЖТС) нисбатининг камайиши бўлиб, бу ЖНЧ<sub>1</sub>/ЎЖТС нисбатининг 70%дан камайишига олиб келади.

ЖНЧХ<sub>1</sub>нинг керакли қийматларидан оғиш даражасига кўра, обструктив бузилишларнинг оғирлик даражаси баҳоланади. ЎЖТС ва ЖНЧХ<sub>1</sub> учун нормал қийматларнинг пастки чегараси сифатида болаларда керакли қийматларнинг (к.қ.) 80%дан фойдаланиш мақбул. Бироқ, бундай ҳолда катталарда ўпка функциясини интерпретация қилишда сезиларли хатолар бўлиши мумкин, чунки ЖНЧХ<sub>1</sub> ҳам ЎЖТС қийматиغا боғлиқ. Шу билан бирга, ЖНЧХ<sub>1</sub> к.қ. 80%дан камайиши ва ИТнинг бир вақтда (70%дан кам) камайиши обструктив бузилишлардан далолат беради. Чунки, сурункали обструктив ўпка касалликлари бўлган беморларда ЎЖТС ЎЖТСдан анча кам бўлиши мумкин, обструктив бузилишларни диагностика қилиш учун ЖНЧХ<sub>1</sub>/ЎЖТС нисбатидан, тинч нафас олишда ўлчанган, фойдаланиш афзалроқдир. Катта ёшдаги соғлом инсонда бу нисбат 75-85% ни ташкил қилади. Болаларда ЖНЧХ<sub>1</sub>/ЎЖТС нормаси 90% атрофида (ҳаво оқимларининг юқори тезлиги ҳисобига). Жадал нафас чиқаришни бажариш қийинлиги туфайли ЖНЧХ<sub>1</sub>/ЎЖТС кўрсаткичи болаларда бронхиал обструкциянинг катталарга нисбатан ишончли мезони эмас. 5 ёшдан кичик болалар одатда жадал нафас чиқариш маневрларини такрорлай олмайдилар, шунинг учун бу ёшдаги беморлар учун ўпка функциясини текшириш (шу жумладан бронходилатацион синама ўтказиш) катта диагностик аҳамиятга эга эмас. Функционал текшириш натижаларини интерпретация қилишга клиник қарор қабул қилиш тамойиллари қўлланилиши керак, бу ерда текширишдан олдин касаллик эҳтимоли, унинг сифати, янглиш ижобий ва янглиш салбий интерпретация эҳтимоли, ва, ниҳоят, текшириш натижалари ва керакли қийматлар инobatга олинади.

Шундай қилиб, БА беморида ҳуружлараро даврда, бронхолитик воситалар қўлланилгандан кейин, ёки адекват танланган терапия ҳисобига БА назоратига эришилгандан кейин ўпка функциясини баҳолаш нормал чегараларда бўлиши мумкин. Шу тариқа, спирометриянинг нормал кўрсаткичлари БА ташхисини истисно қилмайди. Қайта-қайта ўпка функциясини текшириш бир марталик текширишдан кўра ахборотлироқ. Бир беморда БАда ўпка функцияси кўрсаткичлари нормалдан оғир обструктив ҳолатгача ўзгариши мумкин. БА қанчалик ёмон назорат қилинса, ўпка функциясининг ўзгарувчанлиги шунчалик кучли бўлади. Бронхиал обструкциянинг қайта тикланиши ИГКС ёки бошқа яллиғланишга қарши препаратлар билан бир неча кун/ҳафта даволаш фониде ўпка функциясини яхшилашда қайд этилиши мумкин. АСИТ учун қарши кўрсатмалардан бири ЖНЧХ<sub>1</sub>нинг керакли қийматларидан 70% камайиши ҳисобланади, шунинг учун спирометрия АСИТ ўтказишдан олдин ва даволаш жараёнида (ҳолатнинг клиник ёмонлашишида мониторинг қилиш учун) мажбурий равишда ўтказилиши керак.

Бронходилатацион синама ўтказиш - фармакологик проба билан спирометрия (нафас олиш ҳажмини дори воситалари билан текшириш) 5 ёшдан катта бўлган барча беморларда БАни ташхислаш (тасдиқлаш) вақтида, бошланғич спирометрия кўрсаткичлари нормал бўлган беморларни ҳам ўз ичига олган ҳолда - бронхиал обструкциянинг қайтишини аниқлаш учун; БА ташхиси қўйилган беморларнинг кейинги кузатувида - бронхолитик терапиянинг эҳтимолий самарасини аниқлаш ва ўпка функциясининг динамикасини мониторинг қилиш учун **тавсия этилади (тафсия лардаражаси/шкала 2А).**

**Изоҳ.** Бронходилатацион синама (тест) ЖНЧ<sub>1</sub>нинг бошланғич қийматидан камида 12% ва камида 200 млга ўсиши ҳолатида ижобий деб ҳисобланади.

Максимал даражадаги бронходилатацияга эришиш учун ҚТБА, масалан, сальбутамолни катталар учун максимал бир марталик доза 400 мкг (30 сониялик интервал билан 4 ингаляция 100 мкг дан, болалар учун доза 200 мкггача камайтирилиши мумкин) миқдорида ДАИ кўринишида қўллаш тавсия этилади, ДАИ ингаляция техникаси қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда, спейсер ёрдамида қўллаш афзалроқ (болалар учун мажбурий). Қайта спирометрия 15 минутдан сўнг ўтказилади. Бронходилататор сифатида антихолинергик восита - ипратропий бромид қўлланилганда, катталар учун максимал бир марталик доза 80 мкг (20 мкгдан 4 доза) ёки ипратропий бромид + формотерол комбинацияси бўлиши мумкин. Бу ҳолда қайта спирометрия 30 минутдан сўнг амалга оширилади. Небулайзерлардан фойдаланишда турли небулайзерлар учун турли дозалар ва етказиб бериш вақти керак бўлиши мумкинлигини эсда сақлаш лозим. Небулайзерлар учун 5 мг сальбутамол ингаляцион эритмаси ДАИ ёрдамида 400 мкг ингаляцияга номинал равишда тенг келади, 1 мг ипратропий бромид ингаляцион эритмаси ДАИ ёрдамида 80 мкг ингаляцияга номинал равишда тенг келади.

ЖНЧ<sub>1</sub>нинг бошланғич нормал кўрсаткичлари (керакли қийматлардан 80%дан ортиқ) бўлган беморларда, анамнез ва клиник манзарага мувофиқ, нисбий ўлчовда 12%га етмаган (лекин камида 10%дан ортиқ) бўлган ҳолда ҳам 200 мл ёки ундан ортиқ ўсиш ижобий деб баҳоланиши мумкин (ЖНЧ<sub>1</sub> ва ЎЖТСнинг табиий ўзгарувчанлиги доирасидаги 150 мл ва 8% ўсиш бронходилатацион тестни ижобий деб ҳисобланмайди; бошланғич кўрсаткичлар билан фарқ қанчалик юқори бўлса, астмага хос ўзгарувчан обструкция мавжудлигининг ишончлилиги шунчалик юқори ҳисобланади).

Манфий бронходилатацион синама (тест) БА ташхисини истисно қилмайди, оғир хуружларда ҳамда узоқ муддатли барқарор ремиссияда (ЖНЧ<sub>1</sub>нинг бошланғич максимал кўрсаткичлари керакли қийматлардан  $\geq 100\%$ ) ёки ИГКС билан узоқ даволаш натижасида кузатилиши мумкин.

12 ёшдан катта бўлган ва БАга шубҳа қилинаётган, бошланғич спирометрия кўрсаткичлари нормал ва бронходилатацион синама (тест) натижаси манфий бўлган беморларда жисмоний юклама билан бронхоконстриктор тест ўтказиш (жисмоний юклама билан нафас олиш ҳажмини текшириш) имкониятини кўриб чиқиш **тавсия этилади**. Бу жисмоний юклама билан чақирилган бронхоспазмни аниқлаш (истисно қилиш) мақсадида амалга оширилади (**тафсиялар даражаси/шкала 3С**).

**Изоҳ.** Жисмоний юклама билан бронхоконстриктор тест катталарда ОФВ1 бошланғич қийматидан камида 10% ва болаларда 12% камайиши ҳолатида ижобий деб ҳисобланади. Тест бронхиал астма диагностикаси учун анча аниқроқ, аммо метахолин билан тестга нисбатан камроқ сезгир. Жисмоний юклама билан манфий бронхоконстриктор тест БА ташхисини истисно қилмайди.

18 ёшдан катта беморларда БАга шубҳа қилинганда, бошланғич спирометрия кўрсаткичлари нормал, бронходилатацион тест ва жисмоний юклама билан бронхоконстриктор тест натижалари манфий бўлган ҳолларда бронхиал гиперреактивликни аниқлаш учун бронхоконстриктор тест - фармакологик проба билан спирометрия (нафас олиш ҳажмини дори воситалари билан текшириш) ўтказиш мумкин (**тафсиялар даражаси/шкала 3С**).

**Изоҳ.** Одатда бронхиал гиперреактивликни аниқлаш бронхоконстрикция чақирувчи моддани (жумладан, концентрацияси оширилиб борувчи моддалар) ингаляция қилишга ЖНЧ<sub>1</sub> кўрсаткичининг жавобини ўлчашга асосланади (масалан, 4,5% натрий хлориди эритмаси, маннитол эритмаси ёки метахолин - мавжудликни ҳисобга олган ҳолда).

Тест ЖНЧ<sub>1</sub>нинг бошланғич қийматидан 20% ёки ундан ортиқ пасайиши ҳолатида ижобий деб ҳисобланади. **Провокацион синамалар** (тестлар) махсус стационар шароитида ўтказилади. Бу ҳолда маннитол йўриқнома бўйича қўлланмайди. Бронхоконстриктор тестлар БА ташхисини қўйишда чекланган аниқликка эга, чунки нафас йўллари гиперреактивлиги аллергик ринит, муковисцидоз, бронхўпка дисплазияси ва СОЎК бўлган беморларда учраши мумкин. Манфий бронхоконстриктор тест БА ташхисини истисно қилмайди.

5 ёшдан катта бўлган беморларда спирометрия ўтказиш имкони бўлмаган ҳолларда БА ташхисини қўйишда ҳаво оқими тезлигининг ўзгарувчанлигини тасдиқлаш учун **пикфлоуметрия** (пикфлоуметрдан фойдаланган ҳолда нафас олиш ҳажмлари ва оқимларини пробасиз тадқиқ қилиш) ўтказиш **тавсия этилади**. Диспансер кузатувида эса пикфлоуметрия назоратни баҳолаш ва хуружлар хавфини аниқлаш учун тавсия этилади (**тафсиялар даражаси/шкала 3С**).

**Изоҳ.** Ҳаво оқими ўзгарувчанлиги кундалик ўртача нафас чиқариш чўққи тезлиги (НЧЧТ) кўрсаткичларининг эрталаб ва кечқурун ўлчашдаги фарқи  $\geq 20\%$  бўлганида аниқланади. Кўплаб тадқиқотчилар эрталабги НЧЧТ қийматлари ва спирометрия орқали олинган  $JNCH_1$  ўртасида корреляцияни аниқлаган. Пикфлоуметрия спирометрияни алмаштира олмайди, аммо БАни узоқ муддат кузатиш ва даволашда ўпка функциясини уй шароитида кундалик мониторинг қилишда бебаҳо аҳамиятга эга. НЧЧТнинг ўртача кундалик ўзгариши  $\geq 30\%$ га ёки индивидуал энг яхши кўрсаткичдан  $\geq 20\%$ га пасайиши БА назоратининг ёмонлашиши ва хуруж хавфининг ошганлигидан далолат беради.

Баъзи ишларда 5 ёшдан кичик, БАга шубҳа қилинган беморларга бронхиал обструкцияни аниқлаш мақсадида импульс осциллометрияси ёки бронхофонография ўтказиш тасвирланган.

5 ёшдан катта бўлган беморларда ташхис қўйиш ва БА фенотипини аниқлашда, эозинофил яллиғланиши белгиларини аниқлаш учун, БА ташхиси қўйилган беморларнинг кейинги кузатувида ИГКС самарадорлигини баҳолаш, БА назорати ва хуруж хавфини аниқлаш учун нафас чиқарилаётган ҳавода азот оксиди (FeNO) даражасини аниқлаш имкониятини кўриб чиқиш **тавсия этилади (тафсиялар даражаси/шкала 3С).**

**Изоҳ.** Нафас чиқарилаётган ҳавода азот оксиди (FeNO) даражаси  $\geq 20-25$  ppb, балғам ва периферик қонда эозинофилия билан биргаликда фаол эозинофил яллиғланишининг хос биомаркери ҳисобланади. FeNO даражасининг пасайиши ИГКСга яхши ва тез жавоб билан боғлиқ. Мактабгача ёшдаги болаларда такрорланувчи йўтал ва хуштаксимон нафас эпизодлари билан FeNO даражасининг ошиши ЎРИдан кейин 4 ҳафтадан кўпроқ вақт ўтганида ҳам қайд этилиши, БА ривожланишининг олдиндан хабар берувчиси белгиси сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

БА хуружи бўлган барча беморларда нафас етишмовчилиги даражасини аниқлаш учун **пульсоксиметрия ўтказиш тавсия этилади (тафсиялар даражаси/шкала 3С).**

БА ташхиси қўйишда ёки олдин БА ташхиси қўйилган ва инфекцион яллиғланиш белгилари ва/ёки маркерлари, астмага хос бўлмаган аускультация манзараси, анъанавий терапияга қарши торпид оғир ҳолати бўлган беморларда ҳамроҳ касалликларни аниқлаш ва БА терапиясини танлашга таъсир қилувчи ёки қуйи нафас йўллари патологиясидан дифференциал диагностика мақсадида **ўпка рентгенографияси ёки кўкрак қафаси аъзоларининг компьютер томографиясини ўтказиш тавсия этилади (тафсиялар даражаси/шкала 3С).**

БАни анъанавий даволашда унинг оғир кечиши, БА кечишини кучайтирувчи ҳамроҳ касалликларни аниқлаш ёки қуйи нафас йўллари бошқа патологиялари билан дифференциал диагностика мақсадида беморларга **бронхоскопия ўтказишни кўриб чиқиш тавсия этилади (тафсиялар даражаси/шкала 3С).**

Олдин БА ташхиси қўйилган ва гастро-эзофагеал рефлюкс шикоятлари ва симптомлари мавжуд бўлган беморларда БА кечиши ва терапия танловига таъсир қилувчи ҳамроҳ касалликларни аниқлаш ёки дифференциал диагностика мақсадида **эзофагогастроскопия ўтказиш тавсия этилади (тафсиялар даражаси/шкала 3С).**

БА ташхиси қўйилган ва олдин БА ташхиси қўйилган ҳолатларда, БАнинг хуружи бўлган беморларда БА кечиши ва терапия танловига таъсир қилувчи ҳамроҳ касалликларни аниқлаш ва кардиопатология билан дифференциал диагностика ўтказиш мақсадида **электрокардиограмма (ЭКГ) ўтказиш, ва интерпретация қилиш тавсия этилади (тафсиялар даражаси/шкала 3С).**

### **Бошқа диагностик текширув усуллари**

Аллергологик текширув бронхиал астманинг аллергик табиати тасдиқланиши, сабаб бўлувчи аллергенларни аниқлаш, турмуш тарзи ва овқатланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва аллерген-специфик иммунотерапия ўтказишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун зарур. Аллергологик текширув тери синамалари бактериясиз аллергенлар (аллергенлар билан тери синамалари) ва/ёки қон зардобидида махсус IgE даражасини аниқлаш усули билан ўтказилиши мумкин. Аллергологик текширув усули аллергология кабинети имкониятлари ва жиҳозлари ҳамда тери синамалари ўтказишга қарши кўрсатмалар мавжудлиги/йўқлигига қараб танланади.

Тери синамалари (аллергенларга реакцияни терида тадқиқ қилиш) 5 ёшдан катта бўлган ва тери синамаларини ўтказишга қарши кўрсатмалар бўлмаган беморларга БАнинг бошланғич диагностикасида ва динамик кузатув жараёнида аллергик фенотипни тасдиқлаш, сабаб бўлувчи аллергенларни аниқлаш, турмуш тарзи ва овқатланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва аллерген-специфик иммунотерапия ўтказишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказилиши **тавсия этилади (тафсиялар даражаси/шкала 1А).**

**Изоҳ.** Тери синамалари аллергология кабинетидида махсус ўқитилган тиббиёт ҳамшираси ёки аллерголог-иммунолог шифокори томонидан ўтказилади. Энг кўп қўлланиладиган усул prick-тестлар ёки скарификация тестларидир.

Аллергенлар билан тест натижалари манфий ва ижобий тест-назорат натижалари билан таққосланади. Тери синамалари натижалари атопик касалликларни диагностикаси учун жуда муҳим, аммо улар мутлоқ эмас, ва қарши кўрсатмаларга эга.

Натижаларнинг ишончилигига таъсир этувчи омиллар: эрта болалик (5 ёшгача) ёки тескариси, кексалик (60 ёшдан катталар) ёшида бўлиш, глюкокортикоидлар (тизимли таъсирга эга) қабул қилиш, тизимли таъсирли антигистамин воситалар, психотроп препаратлар (тери сезгирлигини камайтиради), дермографизм (янглиш ижобий натижа), ўткир аллергик реакциядан кейинги қисқа давр (янглиш манфий натижа) ва бошқалар. Йил давомида динамик кузатув жараёнида янги клиник аҳамиятга эга сенсбилизация пайдо бўлишига шубҳа туғилганда қайтадан текширув ўтказиш мумкин.

### **Касбий бронхиал астма диагностикаси**

Касбий БА диагностикаси унинг асосий фенотипларини ҳисобга олган ҳолда тавсия этилади: аллергик астма (юқори ёки паст молекуляр сенсбилизаторлар таъсиридан) ва/ёки ирритант таъсирида юзага келувчи – аллергик бўлмаган астма (токсик ва ўткир таъсир этувчи моддалар таъсиридан).

### **Касбий астма диагностикаси 3 асосий босқичда ўтказилиши тавсия этилади:**

- 1-босқич – БА диагнозини аниқлаш;
- 2-босқич – БА симптомларининг ривожланиши ва меҳнат шароитлари ўртасидаги сабаб-оқибат боғлиқлигини аниқлаш;
- 3-босқич – касбий БА ривожланишига сабаб бўлувчи махсус агент ёки омиллар мажмуасини аниқлаш.

### **Касбий бронхиал астмани ташхислашда «Олтин стандарт» ҳисобланади:**

- анкета асосидаги скрининг;
- эҳтимол қилинган ишлаб чиқариш агентлари билан in vivo ва in vitro иммунологик тестлар;
- НЧЧТ мониторинги (пикфлоуметрдан фойдаланиб нафас олиш ҳажми ва оқимларни текшириш) ишлаб чиқариш муҳити омиллари таъсири ва уларни олиб ташлаш шароитларида: иш сменаси давомида камида 4 марта, 3-4 иш ҳафтаси давомида, кейинги натижаларни дам олиш кунлари ва/ёки таътил даврида солиштириш **(тавсиялар синфи/шкаласи 3В)**.
- махсус бронхопровокацион тест (доривор препаратлардан фойдаланиб нафас олиш ҳажмини текшириш) ишлаб чиқариш агентлари экспозициясини модификация қилиш билан, фақат махсуслаштирилган марказларда экспозиция камераларидан фойдаланиб касбий астма диагнозини бошқа усуллар билан тасдиқлаш имкони бўлмаганда ўтказиш тавсия этилади **(тавсиялар синфи/шкаласи 2В)**.

**Изоҳ.** Бронхоконстриктор билан тадқиқот махсус бронхопровокацион синаманинг ўрнига ишлатилиши мумкин. Тадқиқот иш сменасидан кейинги илк соатларда ва ишдан узоқ вақт танаффусдан кейинги биринчи кунда ўтказилади. Тест натижалари, одатда, иш жойида БА ҳолатининг ёмонлашиши ва ингалация қилинган моддалар дозаси билан боғлиқ бўлади. Бронхиал гиперреактивликнинг йўқлиги касбий БА диагнозини истисно қилмайди. Касбий омилларга нисбатан бронхиал гиперреактивлик мавжудлигини аниқлаш учун агентларнинг олиб ташлаш давларида (ишдан 7-14 кунлик танаффусдан кейин) тестни такрорий ўтказиш тавсия этилади.

### Дифференциал диагностика

5 ёшдан кичик болаларда БА дифференциал диагностикаси қуйидаги касалликлар билан ўтказилиши тавсия этилади: такрорий респиратор инфекциялар, гастроэзофагеал рефлюкс, кўк йўтал, бегона жисмнинг аспирацияси, персистент бактериал бронхит, туғма аномалиялар (масалан, трахеомалиция, туғма бронхоген киста), сил, кистозли фиброз, туғма юрак нуқсонлари, бирламчи цилиар дискинезия, қон томир ҳалқаси, бронхўпка дисплазияси, бирламчи иммунодефицит, ларингеал дисфункция. 6 ёшдан катта болаларда, юқоридаги касалликлардан ташқари, ларингеал обструкция, гипервентиляция, дисфункционал нафас олиш, альфа-1-антитрипсин дефицити, эозинофилли гранулематоз полиангити (ЭГПА). 18 ёшдан катта шахсларда, юқоридаги касалликлардан ташқари: сурункали обструктив ўпка касаллиги (СОЎК), гиперэозинофилия синдроми, аллергик бронхўпка аспергиллези (АБЛА), ўпка артериясининг тромбоемболияси, юрак етишмовчилиги, интерстициал ўпка касалликлари, марказий нафас йўллари обструкцияси, дори қабул қилиш билан боғлиқ йўтал (масалан, АПФ ингибиторлари).

### 9-жадвал. Катталар, ўсмирлар ва 6-11 ёшли болаларда астмани дифференциал диагностикаси

Ёши	Симптомлари	Патология
6-11 ёш	<ul style="list-style-type: none"> <li>— Аксириш, қичишиш, бурун битиши, томоқнинг қичишиши</li> <li>— Симптомларнинг тўсатдан пайдо бўлиши, бир томонлама хириллашлар</li> <li>— Такрорий инфекциялар, балғамли йўтал</li> <li>— Такрорий инфекциялар, балғамли йўтал, синусит</li> <li>— Юрак шовқинлари</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>— Юқори нафас йўллари билан боғлиқ сурункали йўтал</li> <li>— Бегона жисмнинг аспирацияси</li> <li>— Бронхоэктазия</li> <li>— Бирламчи цилиар дискинезия</li> <li>— Туғма юрак нуқсонлари</li> <li>— Бронхўпка дисплазияси</li> <li>— Кистозли фиброз</li> </ul>

Ёши	Симптомлари	Патология
	<ul style="list-style-type: none"> <li>— Вақтдан олдин туғилиш, симптомлар туғилгандан бошлаб кузатилиши</li> <li>— Кучли йўтал, шиллиқ пайдо бўлиши, меъда-ичак тизими томонидан симптомлар</li> </ul>	
12-39 ёш	<ul style="list-style-type: none"> <li>— Аксириш, қичишиш, бурун битиши, томоқнинг қичиши.</li> <li>— Ҳансираш, инспиратор хириллашлар (стридор). Бош айланиши, парестезиялар.</li> <li>— Балғамли йўтал, такрорий инфекциялар.</li> <li>— Кучли йўтал, шиллиқ пайдо бўлиши билан. Юрак шовқинлари.</li> <li>— Ҳансираш, эрта эмфизема, оилавий анамнези.</li> <li>— Симптомларнинг тўсатдан пайдо бўлиши.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>— Юқори нафас йўллари билан боғлиқ сурункали йўтал</li> <li>— Индукцияланган ларингеал обструкция. Гипервентиляция, дисфункционал нафас олиш</li> <li>— Бронхоэктазия</li> <li>— Кистозли фиброз</li> <li>— Туғма юрак нуқсонлари</li> <li>— Альфа1-антитрипсин дефицити</li> <li>— Бегона жисмнинг аспирацияси</li> </ul>
≥40 ёш	<ul style="list-style-type: none"> <li>— Ҳансираш, инспиратор хириллашлар (стридор), бош айланиши, парестезиялар .</li> <li>— Йўтал, балғам, зўриқишдаги ҳансираш, чекиш ёки зарарли таъсирлар.</li> <li>— Балғамли йўтал, такрорий инфекциялар.</li> <li>— Жисмоний зўриқишда ҳансираш, тунги симптомлар, тўпиқларнинг шиши.</li> <li>— Ангиотензинга айлантурувчи фермент ингибиторлари билан даволаниш.</li> <li>— Зўриқишдаги ҳансираш, балғамли йўтал, “барабан таёқчаларига” ўхшаш бармоқларнинг деформацияси.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>— Индукцияланган ларингеал обструкция</li> <li>— Гипервентиляция, дисфункционал нафас олиш</li> <li>— СОЎК</li> <li>— Бронхоэктазия</li> <li>— Юрак етишмовчилиги</li> <li>— Дори қабул қилиш билан боғлиқ йўтал</li> <li>— Паренхиматоз ўпка касаллиги</li> <li>— Ўпка артериясининг тромбоэмболияси</li> <li>— Марказий нафас йўллари обструкцияси</li> </ul>

Ёши	Симптомлари	Патология
	<ul style="list-style-type: none"> <li>— Ҳансирашнинг тўсатдан пайдо бўлиши, кўкракдаги оғриқ.</li> <li>— Бронхолитиклар таъсирида ўзгармайдиган ҳансираш.</li> </ul>	
Барча ёшдагилар	<ul style="list-style-type: none"> <li>— Сурункали йўтал, қон туфлаш, ҳансираш; ва/ёки ҳолсизлик, тана ҳароратининг кўтарилиши, (тунда) терлаш, анорексия, тана вазнини камайиши.</li> </ul>	— Туберкулез
	<ul style="list-style-type: none"> <li>— Узоқ давом этувчи пароксизмал йўтал, баъзан стридорли.</li> </ul>	— Кўк йўтал

*Изоҳ.* СОЎК - сурункали обструктив ўпка касаллиги.

**10- жадвал. 5 ёш ва ундан кичик болаларда астмани дифференциал диагнози**

Ташхис	Клиник кўринишлар
<b>Тез-тез қайталанувчи респиратор инфекциялар</b>	Йўтал, бурун оқиши, бурун битиши ва унинг 10 кундан кам давом этиши; инфекциялар орасида симптомлар йўқ.
<b>Гастроэзофагеал рефлюкс</b>	Эмизиш пайтида йўтал; пастки нафас йўлларининг такрорий инфекциялари; кичик қусиш, айниқса катта порцияли озуқа қабул қилгандан кейин; БА терапиясини самарасизлиги.
<b>Ёд жисм аспирацияси</b>	Овқатланиш ёки ўйин пайтида тўсатдан кучли йўтал ва/ёки стридор эпизоди; пастки нафас йўлларининг такрорий инфекциялари ва йўтал; ўпкада ўчоқли ўзгаришлар.
<b>Кўк йўтал</b>	Узоқ давом этувчи пароксизмал йўтал, кўпинча стридор ва қусиш билан бирга.
<b>Персистик бактериал бронхит</b>	Доимий нам йўтал; БА терапиясини самарасизлиги.
<p>Доимий нафас қисилиши ва доимий ҳаво оқими чекланиши</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ ИГКС дозасини 3 ой давомида оширишни, симптомлар ва ўпка функциясини қайта баҳолаш имкониятини кўриб чиқинг.</li> <li>▪ Агар жавоб бўлмаса, олдинги терапияга қайтинг ва дифференциал диагностика ўтказинг.</li> <li>▪ Беморда ҳам БА, ҳам СОЎК бўлиш эҳтимолини кўриб чиқинг.</li> </ul>

**Изоҳ.** БА - бронхиал астма, УТБА - узоқ таъсирли β2-агонистлар (селектив бета-2-агонистлар), ИГКС - ингаляцион глюкокортикостероидлар, ҚТБА - қисқа таъсирли β2-агонистлар, ЖНЧ<sub>1</sub> – 1-сонияда жадал нафас чиқариш ҳажми, СОЎК - сурункали обструктив ўпка касаллиги.

### 3-илова

## Бронхиал астма ташхиси тасдиқланганда ингаляцион глюкокортикостероидлар дозасини камайтириш / терапияни тўхтатиш алгоритми

<b>БЕМОРНИНГ ҲОЛАТИНИ БАХОЛАШ</b>
<ul style="list-style-type: none"><li>▪ Беморнинг ҳозирги ҳолатини, жумладан, астма назорати даражасини, ўпка функциясини ва хуруж хавф омилларини баҳоланг.</li><li>▪ Агар беморда БА хуруж хавф омиллари мавжуд бўлса, ИГКС дозасини фақат шифокор назорати остида камайтириш керак.</li><li>▪ Қулай даврда дозани камайтириш керак: ЎРИ йўқлиги, ҳомиладорликнинг йўқлиги, даволовчи шифокорнинг мавжудлиги.</li><li>▪ Беморда симптомлар кучайган вазиятларда олдиндан огохлантириб, батафсил маслаҳат бериб қўйиш керак.</li><li>▪ Беморда БА хуружи пайтида терапияни бошлаш ва давом эттириш учун захирасида дори-дармонлар билан таъминланганлигига ишонч ҳосил қилинг.</li></ul>
<b>ТЕРАПИЯ ҲАЖМИНИ ЎЗГАРТИРИШ</b>
<ul style="list-style-type: none"><li>▪ Беморга ИГКС дозасини 25-50% га камайтириш ёки бемор қабул қилаётган бошқа дори-дармонларни (масалан, УТБА, лейкотриен рецепторлари антагонисти) тўхтатиш буйича маълумот беринг.</li><li>▪ Беморнинг кейинги текшируви 2-4 ҳафтадан кейин ўтказилиши керак.</li></ul>
<b>ҚИСҚАРТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ҲАЖМИГА ЖАВОБНИ БАХОЛАШ</b>
<ul style="list-style-type: none"><li>▪ 2-4 ҳафта ичида БА симптомларини назорат қилиш ва ўпка функциясини қайта баҳоланг.</li><li>▪ Агар даволанишни тўхтатгандан сўнг симптомлар кучайса ёки ҳаво оқими чеклаш ўзгарувчанлиги тасдиқланса, БА ташхисини тасдиқлаш. ИГКС нинг минимал самарали дозасини тиклаш керак.</li><li>▪ Агар паст дозали ИГКС билан ҳаво оқимини чеклаш ўзгарувчанлиги кўрсаткичлари ва симптомлари ёмонлашмаса, ИГКС билан даволашни тўхтатиш ва 2-3 ҳафтадан сўнг симптомлар ва ўпка функциясини қайта баҳоланг. Беморни камида 12 ой давомида кузатиб боринг.</li></ul>

**Изоҳ.** БА - бронхиал астма, УТБА - узоқ таъсирли  $\beta_2$ -агонистлар (селектив бета-2-агонистлар), ИГКС - ингаляцион глюкокортикостероидлар, ЎРИ – ўткир респиратор инфекциялар

#### 4-илова

### Катталар ва ўсмирлар учун бронхиал астманинг кучайиши бўйича чора-тадбирлар режаси

Дастрлабки терапия	Бронхиал астманинг хуруж даври учун терапияни ўзгартириш (1-2 ҳафта ичида).
<b>Бронхиал астма симптомларини бартараф этиш учун дориларнинг дозасини ошириш</b>	
ИГКС+формотерол Паст дозаси	Эхтиёжга қараб, ИГКС + формотеролнинг паст дозаларини қабул қилиш частота оширинг (эхтиёжга қараб ИГКС + формотеролни олган беморлар учун ёки базисли терапияни олаётган ва ИГКС + формотерол эхтиёжга қараб олаётган беморлар (бир маротабали ингалятор режимида)) <sup>1</sup>
ҚТБА	ҚДБА дан фойдаланиш сонини оширинг. ДАИ учун спейсер кўшинг
ИГКС+ҚТБА Комбинацияси	Эхтиёжга қараб, ИГКС+ҚТБА <sup>2</sup> нинг ингаляция сонини ошириш
<b>Базис терапияни хажмини ошириш</b>	
ИГКС+формотерол базис терапия + этиёжга қараб (бир маротабали ингалятор режимида)	Аввалги ҳажмда базис терапияни давом эттириш, керак бўлганда ИГКС + формотерол дозасини ошириш <sup>1</sup>
Базис терапия ИГКС + ҚТБА этиёжга қараб	ИГКС ни дозасини 4 баробарга оширишни кўриб чиқинг
Базис терапия ИГКС+формотерол + ҚТБА этиёжга қараб	ИГКС+формотеролни дозасини 4 баробарга оширишни кўриб чиқиш <sup>1</sup>
ИГКС+УТБА плюс ҚТБА этиёжга қараб	ИГКС+УТБАни янада юқори дозасига ўтиш. Катталарда ИГКСни дозасини 4 баравар ошириш учун алоҳида ингаляторни қўшишни кўриб чиқиш.
<b>Тизимли кортикостероидларни кўшинг ва шифокор билан боғланинг, тўхтатишдан олдин кўриб чиқинг</b>	
ТГКС (преднизолон)	Тизимли ГКСни оғир хуружда қўшиш (мисол, НЧЧТ ёки ЖНЧХ <sub>1</sub> <60% энг яхши индивидуал ёки прогноз қилинган кўрсаткич), ёки 48 соат ичида бемор даволанишдан натижа бермаган ҳолатларда. Эртлаб қабул қилиш афзалроқ. Катталар: преднизолон <sup>1</sup> 40-50 мг/сут, одатда 5-7 кун ичида. Агар СГКС 2 ҳафтадан камроқ муддатга буюрилса, босқичма-босқич тўхтатиш талаб қилинмайди.

*Изоҳ.* ДАИ – дозаланган аэрозолли ингалятор, ИГКС – ингаляцион глюкокортикостероидлар, УТБА- узоқ таъсирли β2-агонистлар, ҚТБА – қисқа таъсирли β2-агонистлар, НЧЧТ – нафас чиқариш чўққи тезлиги, ЖНЧХ<sub>1</sub> – 1-сонияда жадал нафас чиқариш ҳажми, ТГКС-тизимли глюкокортикостероидлар, SpO<sub>2</sub> – гемоглобиннинг кислород билан тўйиниши.

\* Катталар ва ўсмирлар учун максимал суткасига белгиланган доза будесонид + формотеролнинг 12 доза ингаляцияси (формотерол 54 мкг) ёки беклометазон + формотеролнинг 8 доза ингаляциясидан (48 мкг формотерол) иборат. Ягона ингаляцион терапиясини олаётган 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар учун будесонид + формотеролнинг максимал суткалик дозаси 8 ингаляцияни ташкил қилади.

## 5-илова

### 5 ёшгача бўлган болалар учун бронхиал астманинг хуружида олиб бориладиган даволаш режаси

Хуруж белгилари пайдо бўлган вазиятда, 200 мг сальбутамолни (2 доза ингаляция) юз ниқоби билан спейсер орқали бошлаш зарур.

Ингаляцияларни 20 минутлик интервал билан икки марта такрорлаш мумкин.

ЎРИ фонида БА хуружи юзага келган вазиятларда – ИГКСни юқори дозаси небулайзер орқали тавсия этилади

Агар бола, базисли терапия сифатида ИГКСни олаётган булса – препаратнинг дозаси 2 баробар ошириш керак

Агар бола, базисли терапия сифатида лейкотриен рецепторлар антагонистларини қабул қилаётган булса – паст дозада ИГКС қўшилади

**Элатма.** БА – бронхиал астма, ИГКС – ингаляцион глюкокортикостероидлар, ЎРИ – ўткир респиратор инфекция.

## 6-илова

### Дори воситалар етказиб бериш тураларини танлаш

БА билан оғриган беморларга ингаляцион терапия тури ҳал бир бемор учун алоҳида танланади, бу даволаш самарадорлигини оширади.

**Бугунги кунда ингаляцион дори воситаларини етказиб беришнинг асосий турлари:**

- Дозаланган аэрозолли ингалятор (ДАИ), асосан спейсер билан ишлатилади;
- ДАИ, нафас билан фаоллаштирилади (ДАИ-НФ);
- Дозаланган порошокли ингалятор (ДПИ);
- «юмшоқ» аэрозола (soft-mist) респимат;
- небулайзерлар.

Нафас олиш мосламасини танлаш беморнинг уни тўғри ишлатиш қобилиятига боғлиқ; беморнинг қайси мосламани афсал деб билишига; инспиратор оқим тезлигига (инспиратор ҳаво оқими тезлиги, л/мин); қурилманинг ички қаршилигига ( респиратор қаршилиги); беморга ингаляция техникасини ўргатиш ва келажақда уни кузатиб бориш имкониятларига боғлиқ.

6 ёш ва ундан катта беморлар учун нафас билан фаоллаштирилаган мундштукли спейсерга ДПИ ёки ДАИ ингаляция асбоблари афзалроқдир.

5 ёшдан кичик бўлган беморлар учун оптимал дори-дармонларни етказиб бериш мосламаси ёшига қараб, юз ниқобли ёки ниқобсиз, спейсерлик дозалаланган аэрозолли ингалятор бўлиши мумкин; энг ёш беморлар учун, терапия бошланишида, хуруж даврида, небулайзер (ингаляция учун юз ниқобли ёки мундштукли) танланиши мумкин.

Терапияни тайинлашда астма билан оғриган беморга (шунингдек, унинг ота-онаси ва васийларига) ингаляция техникаси ўргатилади ва кейинчалик даволанишни оптималлаштириш учун унинг мувофиқлигини назорат қилади.

Нотўғри ингаляция техникаси астма назоратини ёмонлаштиришнинг асосий сабабидир. Терапия хажмини кўриб чиқишни бошлашдан олдин уни аниқлаш зарур.

## 7-илова

### Яхши назорат қилинадиган астма билан оғриган катталар ва ўсмирларда даволашнинг қўйи босқичига ўтиш алгоритми

<b>Даволаш ҳажмини камайтиришнинг асосий тамойиллари</b>		
<b>(бир қадам пастга силжиш) бронхиал астма:</b>		
<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ яхши назорат қилинадиган астма ва 3 ой ёки ундан кўпроқ вақт давомида стабил ўпка функцияси кузатилган беморларда дозани камайтиришни кўриб чиқиш зарур;</li> <li>▪ агар ўтган йил давомида хуружлар ва ҳаво оқимининг доимий чекланиши кузатилган бўлса, дозани камайтириш шифокорнинг қаттиқ назорати остида амалга оширилади;</li> <li>▪ тўғри вақтни танлаш керак (ЎРВИ бўлмаган вақт, бемор саёҳат қилмайдиган вақт, ҳомиладорликнинг йўқлиги);</li> <li>▪ симптомларни доимий назорат қилиш ва қайд этиш, хавф омилларини баҳолаш, аниқ ҳаракатлар режаси тузиш зарур;</li> <li>▪ 3 ойлик ораликда ИГКС дозасини 25-50% га камайтириш кўпчилик беморлар учун мумкин ва хавфсиздир.</li> </ul>		
<b>Жорий босқич</b>	<b>Жорий терапия ва дозаси</b>	<b>Дозани камайтириш вариантлари</b>
<b>5-босқич</b>	Юқори дозали ИГКС+УТБА + тизимли ГКС	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Ингаляцион терапияни оптималлаштириш ва тизимли ГКС дозасини камайтириш.</li> <li>▪ Балғам эозинофиллари назорати остида тизимли ГКС дозасини камайтириш.</li> <li>▪ Тизимли ГКС ни бошқа дори воситалрига алмаштириш.</li> <li>▪ Тизимли ГКС ни юқори дозали ИГКС билан алмаштириш.</li> <li>▪ Оғир астмада Т2 биологик терапия қўшиш ва тизимли ГКС дозасини камайтириш.</li> </ul>
	Юқори дозали ИГКС+УТБА ва бошқа турдаги терапия	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Мутахассис маслаҳати зарур.</li> </ul>
<b>4 босқич</b>	ИГКС+УТБА нинг ўрта ёки юқори дозалари (қўллаб қувватлаш терапияси)	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ ИГКС+УТБА комбинациясини ИГКСни 50% га камайтириш билан давом этиш.</li> <li>▪ УТБА ни бекор қилиш вазиятни ёмонлаштириши мумкин.</li> </ul>

		<ul style="list-style-type: none"> <li>Паст дозали битта ингалятор режимда ИГКС + формотерол қувватловчи терапиясига ўтиш.</li> </ul>
	ИГКС+ формотерол сақловчи терапиянинг ўртача дозаси ва эҳтиёжга қараб	<ul style="list-style-type: none"> <li>ИГКС + формотеролнинг қувватловчи дозасини паст дозагача камайтиш ва эҳтиёжга қараб қабул қилишни давом этиш.</li> </ul>
	Юқори дозали ИГКС + асосий терапиянинг иккинчи дори воситаси	<ul style="list-style-type: none"> <li>ИГКС дозасини 50% га камайтириш ва иккинчи препаратни қабул қилишни давом этиш.</li> </ul>
<b>3 босқич</b>	ИГКС+УТБА нинг паст дозалари (қўллаб қувватловчи терапия)	<ul style="list-style-type: none"> <li>ИГКС+УТБА дозасини кунига бир марта камайтириш</li> <li>УТБА ни бекор қилиш вазиятни ёмонлаштириши мумкин</li> </ul>
	Кам дозали ИГКС + формотеролни қўллаб қувватловчи терапияси +эҳтиёжга қараб	<ul style="list-style-type: none"> <li>ИГКС + формотеролнинг парваришlash дозасини кунига бир мартагача камайтириш + эҳтиёжга қараб ИГКС + формотеролнинг паст дозалари.</li> <li>ИГКС + формотеролнинг паст дозаларига фақат эҳтиёжга қараб ишлатишни ўйлаб кўриш.</li> </ul>
	ИГКС нинг ўрта ёки юқори дозалари	<ul style="list-style-type: none"> <li>ИГКС дозасини 50% га камайтириш.</li> <li>Лейкотриенга қарши дорилар ёки УТБА қўшилиши ИГКС дозасини камайтиришга имкон беради.</li> </ul>
<b>2 босқич</b>	Паст дозали ИГКС (қўллаб қувватлаш терапияси)	<ul style="list-style-type: none"> <li>Бир марталик кунлик ингаляция (Будесонид, Циклесонид, Мометазон).</li> <li>Эҳтиёжга қараб паст дозали ИГКС + формотеролга ўтиш.</li> <li>Эҳтиёжга қараб ҚТБА дан фойдаланган ҳолда ИГКС ингаляциясига ўтиш</li> </ul>
	Кам дозали ИГКС (қўллаб қувватлаш терапияси)ёки антилеукотриен препаратлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>Эҳтиёжга қараб паст дозали ИГКС + формотеролга ўтиш.</li> <li>Катталар ва ўсмирларда ИГКСни қўллашни тўлиқ тўхтатиш тавсия этилмайди, чунки фақат ҚТБА дан фойдаланганда касалликни қўзиш хавфи ортади.</li> </ul>

**Изоҳ.** \*Ягона ингалятор режими - будесонид + формотерол ёки беклометазон + формотеролнинг паст дозалари. УТБА лар узоқ таъсирли β2-агонистлар (селектив бета-2- агонистлар), ҚТБА-қисқа таъсирли β2-агонистлар, ИГКС - ингаляцион глюкокортикостероидлар, тизимли ГКС - тизимли глюкокортикостероидлар.

## 8-илова

### Бронхиал астманинг иккиламчи профилактикаси (катталар, ўсмирлар, болалар)

Профилактик чора тадбирлари	Тавсиялар
<b>Актив ва пасив чекишни тухтатиш ҳамда электрон тамакилардан фойдаланиш-вэйп тақиқланади</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>▪ Астма билан оғриган беморларга чекишни ташлашни қатъий тавсия қилиш.</li><li>▪ Астма билан оғриган болаларнинг ота-оналарига чекмасликни ва боланинг ҳузурида (хонада, машинада ва ҳоказо) бошқаларга ҳам чекмасликни тавсия этиш.</li><li>▪ Астма билан оғриган беморларга атроф-муҳит тутунига таъсиридан қочишни тавсия қилиш.</li><li>▪ Тамаки чекувчилар/собиқ чекувчилар ЎСОК ёки астма ва ЎСОК нинг комбинацияси учун текширувдан ўтишлари зарур, чунки қўшимча даволаш стратегиялари зарурати пайдо бўлиши мумкин.</li></ul>
<b>Жисмоний фаоллик</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>▪ БА билан оғриган беморларни мунтазам равишда машқ қилишни тавсия этиш, чунки бу умумий саломатлик учун фойдалидир.</li><li>▪ Беморга жисмоний машқлар натижасида келиб чиққан бронхоконстрикцияни олдини олиш бўйича тавсиялар бериш:<ul style="list-style-type: none"><li>- жисмоний фаолиятдан олдин тайёрланиш</li><li>- жисмоний фаолиятдан олдин ҚТБА (ёки ИГКС+ҚТБА) дан фойдаланиш</li><li>- жисмоний фаолиятдан олдин паст дозали ИГКС + формотеролдан фойдаланиш;</li></ul></li><li>▪ Доимий жисмоний фаолият юрак-ўпка фаолиятини яхшилади ва астма назоратига ижобий таъсир кўрсатади, шу жумладан астма билан оғриган ёшларда сузиш яхши натижаларга олиб келади.</li><li>▪ Ўрта/оғир астма билан оғриган катта ёшли беморларнинг кундалик ҳаётига жисмоний фаолиятни киритиш яхшиланишга олиб келади.</li><li>▪ Астма учун жисмоний фаолиятнинг афзал тури ҳақида ҳеч қандай далиллар йўқ.</li></ul>
<b>Иш жойида ва уйда аллерген ва қўзғатувчи хусусиятли моддалар таъсирини камайтириш (КБА)</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>▪ Кеч бошланган астма (КБА) билан оғриган беморларга иш жойида ҳам, уйда ҳам қўзғатувчи хусусиятли газлар ёки заррачалар таъсири ҳақида маълумот олиш тавсия этилади.</li><li>▪ КБА ташхиси қўйилганда, беморнинг касалликка сабаб бўлган сенсibiliзацияга олиб келувчи моддаларни таъсирини имкон қадар тезроқ аниқлаш ва йўқ қилиш зарур.</li><li>▪ КБАга шубҳа қилинган ёки тасдиқланган беморлар дарҳол ихтисослаштирилган тиббий муассасага юборилиши керак.</li></ul>

Профилактик чора тадбирлари	Тавсиялар
<p><b>Нафас олишни ёмонлаштириши мумкин бўлган дори-дармонлардан сақланиш</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Носпецифик яллиғланишга қарши воситаларни (НЯҚВ) буюришдан олдин беморга БА ташхисини аниқлаштириш тавсия этилади. Беморларга БА ёмонлашганда фойдаланишни тўхтатишни тавсия этиш зарур.</li> <li>▪ БА билан оғриган беморларни ҳамроҳ даволаш тўғрисида текшириш тавсия этилади.</li> <li>▪ Аспирин ва НЯҚВ лар одатда БА да қарши кўрсатма йўқ, агар анамнезида беморда ушбу дориларга салбий реакциялар бўлмаса.</li> <li>▪ Бета-блокаторларни (перорал ёки офтальмологияда қўлланиладиган) тайинлаш тўғрисидаги қарор ҳар бир ҳолатда алоҳида қабул қилинади. Даволашни шифокор назорати остида бошлаш керак.</li> <li>▪ Кардиоселектив бета-блокаторларни керак бўлганда буюришда БА мутлоқ қарши кўрсатма бўлмайди, бироқ, нисбий хавфлар/фойдаларни ҳисобга олиш керак.</li> </ul>
<p><b>Соғлом овқатланиш</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ БА билан оғриган беморларга умумий соғлиқ учун фойдали жиҳатларни эътиборга олиб мева ва сабзавотларга бой диетани тавсия қилиш керак.</li> </ul>
<p><b>Уйда аллергиялар билан контакт қилишдан сақланиш</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ БА ни даволашда асосий стратегия сифатида аллергиялардан сақланиш тавсия этилмайди.</li> <li>▪ Уйдаги намлик ёки моғорни камайтириш катталарда астма белгилари ва дори воситаларидан фойдаланишни камайтиради.</li> <li>▪ Уйдаги чанглари ва/ёки уй ҳайвонларига сезгир бўлган беморлар учун ушбу стратегиянинг БА да клиник фойдаси ҳақида чекланган маълумотлар мавжуд (фақат болалар учун)</li> <li>▪ Аллергия таъсирини камайтириш стратегиялари кўпинча мураккаб ва қиммат. Ушбу стратегиядан ҳақиқатдан ҳам фойда кўриши мумкин бўлган беморларни аниқлашнинг тасдиқланган усуллари мавжуд эмас.</li> </ul>
<p><b>Тана вазнини камайтириш</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Семизлик ва астма билан оғриган беморларни даволаш режасига вазн ёқотиш дастурини киритиш тавсия этилади.</li> <li>▪ БА билан оғриган катталар учун вазн ёқотиш диетаси, шунингдек ҳафтасига икки марта аэробли ва кучли машқлари симптомларни назорат қилишда диетага қараганда самаралироқдир.</li> </ul>
<p><b>Нафас олиш машқлари</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Нафас олиш машқлари симптомлар ва ҳаёт сифати бўйича БА фармакотерапиясига фойдали бўлиши мумкин, аммо улар қайталаниш хавфини камайтирмайди ва ўпка фаолиятига таъсир кўрсатмайди.</li> </ul>
<p><b>Уйда ҳавони ифлослантирувчи моддалар билан мулоқотдан сақланиш (поллютантлар).</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ БА билан оғриган беморларга экологик тоза иссиқлик манбалари ва пишириш ускуналаридан фойдаланишни тавсия этилади. Иложи бўлса, бу қурилмалар ҳавони ифлослантирувчи моддаларни кўчага чиқариши керак.</li> </ul>

Профилактик чора тадбирлари	Тавсиялар
Атроф-муҳит аллергенлари билан мулоқотдан сақланиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Атроф муҳитда гул чанги ва моғор концентрацияси кўпайганда сезгир беморлар учун деразаларни ёпиқ сақлаш, кўчага камроқ чиқиш ва кондиционердан фойдаланиш тавсия этилади. Бу аллергенларнинг таъсирини камайтиришга ёрдам беради.</li> </ul>
Стресс омиллари билан ишлаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Агар стресс БА кечиши ёмонлаштира, беморга эмоционал стрессни камайтириш зарурлигини тушунтириш тавсия этилади. Релаксация усули ва нафас олиш машқлари фойдали бўлиши мумкин.</li> <li>▪ Вахима ва депрессия белгилари мавжуд бўлган беморларни руҳий саломатликни баҳолаш учун мутахассисга юбориш тавсия этилади.</li> </ul>
Ижтимоий хавфларни бартараф этиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ижтимоий хавфларни бартараф этиш буйича кенг қамровли чора тадбирлар, ёш болаларнинг тез тиббий ёрдамга мурожатларни ва касалхонага ёткизилиш ҳолатларини камайтиришга ёрдам беради.</li> </ul>
Очиқ ҳавода атроф муҳитни ифлослантувчи моддалар (поллютантлар) билан мулоқотдан ёки об-ҳаво омилларидан сақланиш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Ноқулай атроф-муҳит шароитида (жуда совуқ об-ҳаво ёки ҳавонинг юқори ифлосланиши), иложи бўлса, иқлими бошқариладиган муҳитда, яъни уйда қолиш ва очиқ ҳавода жисмоний фаолликни оширишдан қочиш тавсия этилади.</li> <li>▪ ЎРВИ пайтида ифлосланган муҳитда қолишдан сақланиш.</li> </ul>
Агар сизда озиқ-овқатга сезгирлик ёки аллергия бўлса, овқатлардан сақланинг	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Орал озиқ овқат синамалари ёрдамида текширганда, озиқ-овқатнинг кимёвий таркибий қисмларига аллергия ёки сезувчанлик исботланмаса, озиқ-овқатдан бош тортиш тавсия этилмайди.</li> <li>▪ Тасдиқланган озиқ-овқат аллергияси бўлган беморлар учун озиқ-овқат аллергенларидан воз кечиш БА кучайишларини камайтириши мумкин.</li> <li>▪ Озиқ-овқатнинг кимёвий таркибий қисмларига сезгирлиги тасдиқланганда, улардан тўлиқ воз кечиш одатда талаб қилинмайди, чунки сезгирлик кўпинча астма назоратини яхшилаш билан камаяди.</li> </ul>

**Изоҳ.** БА - бронхиал астма, ИГКС - ингалацион глюкокортикостероидлар, ҚТБА - қисқа таъсирли β2-агонистлар, НЯҚВ лар - ностероид яллиғланишга қарши воситалар, ЎРВИ - ўткир респиратор вирусли инфекциялар, КБА – касбий бронхиал астма, СОЎК - сурункали обструктив ўпканинг касаллиги.

## 9-илова

### Астмани назорат қилиш бўйича тест (АСТ)

Тавсия: катталар ва 12 ёшдан ошган ўсмирларда бронхиал астмани назорат қилишни баҳолаш учун восита.

Саволлар					Баллар
<b>1. Сўнги 4 ҳафта давомида астма сизга ўқишда, ишда ёки уйда одатдаги ишларингизни бажаришда қанчалик халақит қилди</b>					
ҳар доим	жуда тез-тез	баъзида	қандан-қан	халақит қилмади	
1	2	3	4	5	
<b>2. Сўнги 4 ҳафта давомида нафас олишда қийинчиликни қанчалик тез-тез ҳис қилдингиз?</b>					
қўнғига 1 марта ва ундан кўп	қўнғига 1 марта	ҳафта сизга 3-6 марта	ҳафта сизга 1-2 марта	қўзатилмади	
1	2	3	4	5	
<b>3. Сўнги 4 ҳафта давомида ҳуштаксимон нафас олиш, йўтал, нафас олишда қийинчилик, кўкракда тортишиш ёки оғриқ туфайли тун давомида қанчалик тез-тез уйғондингиз?</b>					
ҳафта сизга 4 марта ва ундан кўп	ҳафта сизга 2-3 марта	ҳафта сизга 1 ёки 2 марта	ҳафта сизга 1 марта	қўзатилмади	
1	2	3	4	5	
<b>4. Сўнги 4 ҳафта давомида неча мартаба тез таъсир қилувчи ингалятор (масалан, Вентолин, Беродуал, Атровент, Сальбутамол) ёки небулайзерлардан (масалан, Беротек, Беродуал, Вентолин) фойдаландингиз?</b>					
қўнғига 3 марта ва ундан кўп	қўнғига 1-2 марта	ҳафта сизга 2-3 марта	ҳафта сизга 1 марта ва ундан кам	фойдаланмади	
1	2	3	4	5	
<b>5. Сўнги 4 ҳафта давомида астмани назорат қилишда қанчалик муваффақиятли бўлганингизни неча баллга баҳолайсиз?</b>					
ҳеч назорат қила олмадим	яқши назорат қила олмадим	бироз назорат қила олдим	яқши назорат қила олдим	тўлиқ назорат қила олдим	
1	2	3	4	5	
<b>Жами</b>					

**Интерпретация:** АСТ шкаласи бемор томонидан мустақил тўлдириладиган 5 пунктдан иборат бўлиб, ҳар бир пунктга 1 дан 5 гача балл берилади ва улар кейинчалик йиғилади (шкаланинг умумий қиймати - 5-25 балл). 25 балл тўлиқ назоратни англатади; 20-24 балл астма яқши назорат қилиниши, 19 балл ва ундан кам бўлса астма назорат қилинмаётганини кўрсатади.

#### Тушунтиришлар:

- 25 балл – Сиз сўнги 4 ҳафтада астмани ТЎЛИҚ НАЗОРАТ ҚИЛГАНСИЗ. Сизда астма симптомлари ва у билан боғлиқ чекловлар бўлмаган. Агар ҳолат ўзгарса, шифокор билан маслаҳатлашинг.
- 20 дан 24 балгача – сўнги 4 ҳафтада астмани ЯХШИ НАЗОРАТ ҚИЛГАНСИЗ, лекин ТЎЛИҚ эмас. Шифокорингиз сизга ТЎЛИҚ НАЗОРАТга эришишга ёрдам беради.
- 20 баллдан кам – сўнги 4 ҳафтада астмани НАЗОРАТ ҚИЛИШга муваффақ бўлмагансиз. Шифокорингиз касаллигингизни назорат қилишни яхшилаш учун қандай чоралар кўриш кераклигини маслаҳат беради.

## 10- илова

### Астма симптомларини назорат қилиш бўйича сўровнома (АСQ-5)

Саволлар							Баллар
<b>1. Ўтган ҳафта давомида ўртача қанчалик тез-тез астма тўфайли туңда уйғондингиз?</b>							
уйғон-надин	кандан-кан	кан	бир неча марта	кўп марта	жуда кўп марта	ўқлаї олнадин	
0	1	2	3	4	5	6	
<b>2. Ўтган ҳафта давомида тонгда уйғонганингизда астма симптомлари ўртача қанчалик кучли бўлди?</b>							
симтомлар кузатиладн	симтомлар жуда оингл	симтомлар оингл	симтомлар ўрта даражада	симтомлар кўнлроқ	симтомлар кўнл	симтомлар жуда кўнл	
0	1	2	3	4	5	6	
<b>3. Ўтган ҳафта давомида астма тўфайли касбий ёки кундалик фаолиятингиз ўртача қанчалик чекланди?</b>							
чокландн	бироз чокландн	бироздан кўпроқ чокландн	ўрта даражада чокландн	о-нр даражада чокландн	ўта о-нр даражада чокландн	тўлиқ чокландн	
0	1	2	3	4	5	6	
<b>4. Ўтган ҳафта давомида астма тўфайли касбий ёки кундалик фаолиятингиз ўртача қанчалик чекланди?</b>							
кузатиладн	жуда кан кузатиладн	кан кузатиладн	ўрта ноларда кузатиладн	кўпроқ кузатиладн	кўп кузатиладн	жуда кўп кузатиладн	
0	1	2	3	4	5	6	
<b>5. Ўтган ҳафта давомида астма тўфайли ўпкада ҳириллашлар қанчалик тез-тез чекланди?</b>							
кузатиладн	жуда кан кузатиладн	кан кузатиладн	ўрта ноларда кузатиладн	кўпроқ кузатиладн	кўп кузатиладн	жуда кўп кузатиладн	
0	1	2	3	4	5	6	
<b>Жами</b>							

**Интерпретация:** сўровнома сўнги ҳафта давомида астма симптомларининг тез-тезлиги ва даражасини ўлчашга қаратилган 5 саволдан иборат бўлиб, симптомларнинг даражаси 7 баллик шкала бўйича 0 дан 6 гача баҳоланади. Шундай қилиб, АСQ-5 сўровномасининг умумий индекси 0 дан (тўлиқ назорат қилинган астма) 6 гача (тўлиқ назорат қилинмаган астма) ўзгариши мумкин. АСQ-5<0.75 бўлган қиймат бронхиал астмани яхши назорат қилинишига ишончли далил бўлади, АСQ-5>1.5 эса касалликнинг назорат қилинмаётганлигини кўрсатади.

**Тушунтиришлар:** барча баллар йиғилади, сўнгра сумма саволлар сонига (5) бўлинади, шу тариқа умумий индекс 0 дан 6 гача бўлиши мумкин.

## 11- илова

### 5 ёшдан кичик болаларда бронхиал астмани назорат қилиш бўйича сўровнома (TRACK)

						Баллы
1	Сўнги 4 ҳафта давомида фарзандингизда нафас олиш муаммолари, масалан, хуштаксимон нафас, йўтал ёки нафас қисилиши қанчалик тез-тез безовта қилди?					<input type="text"/>
	Умуман йўқ	1 ёки 2 марта	1 марта ҳафтада	2 ёки 3 марта ҳафтада	4 ва ундан ортиқ ҳафтада	
	<input type="checkbox"/> 20	<input type="checkbox"/> 15	<input type="checkbox"/> 10	<input type="checkbox"/> 5	<input type="checkbox"/> 0	
2	Сўнги 4 ҳафта давомида фарзандингизнинг нафас олиш муаммолари (хуштаксимон нафас, йўтал ёки нафас қисилиши) уни тўнлари қанчалик тез-тез уйғотди?					<input type="text"/>
	Умуман йўқ	1 ёки 2 марта	1 марта ҳафтада	2 ёки 3 марта ҳафтада	4 ва ундан ортиқ ҳафтада	
	<input type="checkbox"/> 20	<input type="checkbox"/> 15	<input type="checkbox"/> 10	<input type="checkbox"/> 5	<input type="checkbox"/> 0	
3	Сўнги 4 ҳафта давомида фарзандингизнинг нафас олиш муаммолари (хуштаксимон нафас, йўтал ёки нафас қисилиши) унга ўйнашга, мактабга боришга ёки унинг ёшидаги бола қилиши керак бўлган одатий ишлар билан шуғулланишига қанчалик тез-тез халал берди?					<input type="text"/>
	Умуман йўқ	1 ёки 2 марта	1 марта ҳафтада	2 ёки 3 марта ҳафтада	4 ва ундан ортиқ ҳафтада	
	<input type="checkbox"/> 20	<input type="checkbox"/> 15	<input type="checkbox"/> 10	<input type="checkbox"/> 5	<input type="checkbox"/> 0	
4	Сўнги 3 ой давомида фарзандингизнинг нафас олиш муаммоларини (шириллаган нафас, йўтал ёки нафас қисилиши) тез таъсир этувчи дори воситалари (сальбутамол, вентолин, ипратропий бромид/фенотерол, беродуал) билан даволашингиз қанчалик тез-тез бўлди?					<input type="text"/>
	Умуман йўқ	1 ёки 2 марта	1 марта ҳафтада	2 ёки 3 марта ҳафтада	4 ва ундан ортиқ ҳафтада	
	<input type="checkbox"/> 20	<input type="checkbox"/> 15	<input type="checkbox"/> 10	<input type="checkbox"/> 5	<input type="checkbox"/> 0	
5	Сўнги 12 ой давомида фарзандингиз нафас олиш муаммолари учун бошқа дори воситалари билан даволанмаган ҳолларда, перорал кортикостероидлар (преднизолон, дексаметазон) қабул қилишга қанчалик тез-тез мажбур бўлди?					<input type="text"/>
	Умуман йўқ	1 ёки 2 марта	1 марта ҳафтада	2 ёки 3 марта ҳафтада	4 ва ундан ортиқ ҳафтада	
	<input type="checkbox"/> 20	<input type="checkbox"/> 15	<input type="checkbox"/> 10	<input type="checkbox"/> 5	<input type="checkbox"/> 0	
					Итого	
					Total	
<b>Тавсия:</b> 5 ёшдан кичик пациентларда бронхиал астмани назорат қилишни баҳолаш учун восита.					<input type="text"/>	

**Интерпретация:** сўровнома ҳар бир савол учун 0 дан 20 гача балл бериш билан баҳоланадиган беш саволдан иборат. Жами баллар йиғилиб, агар умумий қиймат 80 баллдан кам бўлса, астма етарлича яхши назорат қилинмаяпти, деб ҳисобланади.

**Тушунтиришлар:** TRACK-тестни ўтказиш учун гуруҳга кириш мезонлари: беморнинг ёши 5 ёшдан кичик; камида икки марта нафас қисилиши, хуштаксимон нафас ёки йўтал эпизодлари ҳамда уларнинг давомийлиги 24 соатдан кам бўлмаган ҳолатлар; тез ёрдам ёки шошилиш даволаш учун бронхолитиклар ( $\beta$ -агонистлар, холинолитиклар ёки уларнинг комбинацияси) тайинланиши; БА тасдиқланган ташхиси.

## 12- илова

### Катталар, ўсмирлар ва 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болаларда бронхиал астма симптомларини назорат қилиш даражасини баҳолаш учун сўровнома

**Тавсия:** 6 ёшдан катта болалар, ўсмирлар ва катталарда бронхиал астмани назорат қилишни баҳолаш учун инструмент.

А. Бронхиал астма симптомларини назорат қилиш				
Сўнги 4 ҳафта давомида беморда кузатилган ҳолатлар:		Яхши назорат қилинадиган	Қисман назорат қилинадиган	Назорат қилинмайдиган
Кундузги симптомлар ҳафтасига 2 марталикдан кўпроқ	ҲА <input type="checkbox"/> ЙЎҚ <input type="checkbox"/>	Рўйхатдан ҳеч бири	Рўйхатдан 1-2 таси	Рўйхатдан 3-4 таси
БА туфайли тунги уйғонишлар	ҲА <input type="checkbox"/> ЙЎҚ <input type="checkbox"/>			
Симптомларни бартараф этиш учун ҚТБАга бўлган эҳтиёж ҳафтасига 2 мартадан кўпроқ	ҲА <input type="checkbox"/> ЙЎҚ <input type="checkbox"/>			
БА туфайли ҳар қандай фаолият чекланиши	ҲА <input type="checkbox"/> ЙЎҚ <input type="checkbox"/>			
В. Негатив натижалар учун хавф омиллари				
<p>Хавф омилларини ташхис қўйишда ва даврий равишда, айниқса, хуружлар бўлган беморларда баҳолаш.</p> <p>Терапия бошланишида ўпка функциясини (ЖНЧ<sub>1</sub>) ўлчаш, сўнгра ИГКС билан даволашдан 3-6 ой ўтгач беморнинг ўпка функцияси бўйича энг яхши кўрсаткичларини рўйхатга олиш ва кейин хавфни баҳолаш учун даврий равишда ўлчаш.</p>				
1) Қўзиш (хуруж) даврининг хавфли омиллари				
Назорат қилинмайдиган симптомлар	Қўзиш даврининг ривожланиши учун муҳим хавф омили			
БАнинг айрим симптомларига эга бўлган беморларда ҳам хуруж хавфини кучайтирувчи омиллар	Дори воситалар	ҚТБАни ортиқча қўллаш (йил давомида >3 ингалятор (ойига 200 доза)) БА хуруж хавфини ва ўлим хавфини ошириши билан боғлиқ, айниқса, агар ойига >1 флакон ҚТБА қўлланилган бўлса.		
	Ҳамроҳ касалликлар	Ортиқча вазн, сурункали риносинусит, ГЭРК, тасдиқланган озиқ-овқат аллергияси, ҳомиладорлик		

	Экспозиция	Чекиш, электрон сигареталар, сенсibiliзация бўлган ҳолда аллергенлар таъсири, ҳаво ифлосланиши
	Психологик сабаблар	Мухим психологик ёки ижтимоий-иқтисодий муаммолар
	Ўпканинг функционал ҳолати	Бронходилататорга сезиларли паст жавоб ЖНЧ <sub>1</sub> (айниқса, <60% нормадан),
	T2 яллиғланиш маркерлари	Қонда эозинофиллар даражасининг ошиши, FeNOнинг ошиши (аллергик астмаси бўлган ва ИГКС қабул қилаётган катталарда)
	Анамнезида хуружлар	БА туфайли интубация ёки интенсив терапия бўлимида даволаниш; Сўнгги 12 ой ичида ≥1 оғир хуруж кузатилиши.

## 2) Нафас йўллариининг давомли обструкцияси ривожланиш хавф омиллари

	Анамнез	Нотўлиқ туғилиш, туғилганда кам вазн ва чақалоқлик даврида катта вазн қўшилиши, сурункали шиллиқ гиперсекрецияси
	Терапия	Анамнезда оғир хуружлар кузатилган беморда ИГКС терапиясининг йўқлиги
	Экспозиция	Тамаки тутуни, зарарли кимёвий моддалар; профессионал ёки маиший иполлютантларнинг таъсири
	Текшириш	Паст бошланғич ЖНЧ <sub>1</sub> кўрсаткичи, балғам ёки қонда эозинофилия

## 3) Дори воситаларининг нотўғри таъсирларини ривожланиш хавф омиллари:

- **Тизимли:** тизимли ГКСни тез-тез қўлланилиши; юқори дозали узоқ муддатли ёки кучли таъсирга эга ИГКСни қўллаш; шунингдек, P450 ингибиторларини қўллаш.
- **Маҳаллий:** юқори дозалар ёки кучли таъсирга эга ИГКС, ҳамда ингация техникасининг нотўғри бажарилиши.

**Изоҳ.** БА – бронхиал астма, ГКС – глюкокортикостероидлар, ГЭРК – гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги, ИГКС – ингацияцион глюкокортикостероидлар, ҚТБА – қисқа таъсирли  $\beta_2$ -агонистлар, ЖНЧ<sub>1</sub> –1-сонияда жадал нафас чиқариш ҳажми.

**Интерпретация:** «Бронхиал астмани даволаш ва олдини олиш бўйича глобал стратегия»га (GINA 2023) кўра, катталар, ўсмирлар ва 6-11 ёшли болаларда касаллик симптомларини назорат қилиш даражасини аниқлаш учун 4 саволдан иборат сўровнома қўлланилади, бу беморнинг сўнгги 4 ҳафта давомидаги ҳолатини баҳолашга имкон беради. Ижобий жавоблар сонига қараб назорат даражаси яхши, қисман ёки назорат қилинмаган деб баҳоланади.

**Тушунтиришлар:** Назорат қилинмайдиган бронхиал астма – сўнгги 4 ҳафтада 3-4 клиник белгиларнинг мавжудлиги, қисман назорат қилинадиган – сўнгги 4 ҳафтада 1-2 клиник белгиларнинг мавжудлиги, яхши назорат қилинадиган – беморда рўйхатдаги клиник белгиларнинг йўқлиги.

### 13- илова

## 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болаларда бронхиал астма симптомларини назорат қилиш даражасини баҳолаш учун қўшимча сўровнома

<b>Бронхиал астма симптомларини назорат қилиш</b>	
<b>Кундузги симптомлар</b>	Болада қанчалик тез-тез йўтал, ҳуштаксимон нафас, ҳансираш ёки оғир нафас олиш кузатилади (ҳафтада ёки кунда неча марта)? Симптомларни нималар қўзғатади? Симптомларни қандай бартараф қила оласиз?
<b>Тунги симптомлар</b>	Йўтал, уйғониш, кун давомида чарчоқ кузатиладими? (Агар ягона симптом йўтал бўлса, ринит ёки гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги каби бошқа ташхисларни кўриб чиқинг).
<b>Симптомларни енгиллатувчи дори воситалардан фойдаланиш</b>	БА симптомларини енгиллатувчи дори воситалар қанчалик тез-тез қўлланилади? Дори воситаларини жисмоний зўриқиш (спорт машғулоти)дан олдин қўллаш ва симптомларни енгиллатиш учун қўллашни фарқлаш керак.
<b>Фаолият (активлик) даражаси</b>	Боланинг қандай спорт турлари/ҳобби/ қизиқишлари бор, мактабда ва бўш вақтда нималар билан шуғулланади? Боланинг фаолият даражаси унинг тенгдошлари ёки ака-укалари ва опа-сингиллари билан солиштирганда қандай даражада? Бола неча кун мактабга бормайди? Боланинг кун тартиби ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун уни ва/ёки ҳамроҳлик қилаётган шахсни тўхтатмасдан эшитинг.
<b>Ёмон оқибатларга сабаб бўлувчи хавфли омиллар</b>	
<b>Қўзиш (хуруж)</b>	Сўранг, вирусли инфекциялар боланинг астмасига қандай таъсир қилади? Симптомлар мактабдаги машғулотлар ёки спорт билан шуғулланишга халал берадими? Симптомлар қанча давом этади? Охирги шифокорга ташрифдан буён неча марта эпизодлар бўлган? Амбулатор ёки стационар тиббий ёрдамга шошилишч мурожаатлар бўлганми? Ёзма ҳаракат режаси мавжудми? Қўзиш хавф омилларига анамнезида қўзишнинг кузатилиши, симптомларнинг ёмон назорати, даволашга яхши риоя қилмаслик, кам даромад ва болада симптомлар кам бўлса ҳам барқарор ижобий бронходилататор тести киритилади.

<b>Ўпканинг функционал ҳолати</b>	Ўпка функциясини текшириш. Асосий эътибор ЖНЧХ <sub>1</sub> ва ЖНЧХ <sub>1</sub> /ЎЖТС нисбатига қаратилади. Вақтинчалик тенденцияни баҳолаш учун ушбу қийматларни кутилган қийматларга нисбатан фоизларда кўрсатинг.
<b>Ножўя таъсир</b>	Боланинг бўйи йилда камида бир марта текширилиши керак, чунки яхши назорат қилинмайдиган астма ўсишга таъсир қилиши мумкин ва ИГКС билан даволашнинг биринчи 1-2 йилида ўсиш тезлиги паст бўлиши мумкин. ИГКС ва орал кортикостероидларни қабул қилиш даврийлиги ва дозаси ҳақида сўранг.
<b>Даволашга тегишли омиллар</b>	
<b>Ингаляция техникаси</b>	Боладан ингаляторини қандай фойдаланишини кўрсатишини сўранг. Махсус қурилма учун йўриқнома асосида техникасини текширинг.
<b>Даволанишга мойиллик</b>	Сўранг, болага тайинланган дори воситалари (ингаляторлар ва/ёки таблеткалар) уйда мавжудми? Бола ҳафтасига неча кун улардан фойдаланади (масалан, 0, 2, 4, 7 кун)? Болага дори воситасини қабул қилишни эрталаб ёки кечқурун эслаб қолиш осонроқми? Дори воситаси қаерда сақланади - уни унутмаслик учун кўз ўнгидами? Ингалятордаги санани текширинг.
<b>Мақсадлар/ эҳтиёт чоралари</b>	Болада, унинг ота-онаси/васийларида астма бўйича қандайдир хавотирлар мавжудми (масалан, дорилардан кўрқиш, ножўя таъсирлар, фаолиятга тўсқинлик)? Уларнинг даволашга оид мақсадлари қандай?
<b>Ҳамроҳ касалликлар</b>	
<b>Аллергик ринит</b>	Қичишиш, аксириш, бурун обструкцияси? Бола бурун орқали нафас ола оладими? Бурун симптомларини даволаш учун қандай дори воситалари қабул қилинади?
<b>Экзема</b>	Уйқу бузилиши, топик кортикостероидлар?
<b>Озиқ-овқат аллергияси</b>	Болада қандайдир маҳсулотларга аллергияси борми? (Тасдиқланган озиқ-овқат аллергияси астма билан боғлиқ ўлим хавфи омилларидан бири ҳисобланади).
<b>Семириш</b>	Ёшга мослаштирилган тана массаси индексини текширинг. Диета ва жисмоний фаолият ҳақида сўранг.

<b>Бошқа текширишлар (зарурат бўлганда)</b>	
<b>Кундалик юритиш (2 ҳафта давомида)</b>	Агар юқоридаги саволлар асосида касаллик назорати даражасини аниқ баҳолаш мумкин бўлмаса, боладан ёки унинг ота-онаси/васийларидан ҳар кунлик кундалик юритишни сўранг, бу кундаликка БА симптомлари, симптомларни енгиллатувчи дори воситалари ва 2 ҳафта давомида нафас чиқариш чўққи тезлигини (3 кўрсаткичдан энг яхши қиймат) киритишлари керак.
<b>Жисмоний зўриқиш тести</b>	Нафас йўлларининг гиперреактивлиги ва жисмоний ҳолат тўғрисида маълумот беради. Бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда ҳам астмани назорат қилишни баҳолаш қийин бўлса, ушбу усул қўлланилади.
<b>Ҳаво оқимининг барқарор чекланиши хавф омиллари</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Бир неча марта шифохонага ётқизилган оғир астма</li> <li>▪ Анамнезда бронхиолит</li> </ul>	
<b>Дори воситаларининг ноўя таъсирларини ривожланиш хавф омиллари</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ <b>Тизимли:</b> Оғиз орқали глюкокортикоид дори воситаларининг тез-тез курслари, юқори дозали ва/ёки кучли таъсирга эга ИГКС.</li> <li>▪ <b>Маҳаллий:</b> Ўртача ва юқори дозали ИГКС ёки кучли таъсирга эга ИГКСни қўллаш; ингалятордан нотўғри фойдаланиш техникаси; небулайзер ёки ниқобли спейсер ёрдамида ИГКС қўлланилганда терини ва кўзни ҳимоя қилишнинг йўқлиги.</li> </ul>	

**Изоҳ.** БА – бронхиал астма, ИГКС – ингаляцион глюкокортикостероидлар, ЖНЧ<sub>1</sub> – 1-сонияда жадал нафас чиқариш ҳажми, ЎЖТС – ўпканинг жадал тириклик сиғими.

**Интерпретация:** «Бронхиал астмани даволаш ва олдини олиш бўйича глобал стратегия» (GINA 2023)га кўра, 5 ёш ва ундан кичик болаларда касаллик симптомларини назорат қилиш даражасини аниқлаш учун 4 саволдан иборат сўровнома қўлланилади, бу беморнинг сўнгги 4 ҳафта давомидаги ҳолатини баҳолашга имкон беради. Ижобий жавоблар сонига қараб, назорат даражаси яхши, қисман ёки назорат қилинмайдиган деб баҳоланади.

**Тушунтиришлар:** Назорат қилинмайдиган бронхиал астма – сўнгги 4 ҳафтада 3-4 клиник белгиларнинг мавжудлиги, қисман назорат қилинадиган – сўнгги 4 ҳафтада 1-2 клиник белгиларнинг мавжудлиги, яхши назорат қилинадиган – беморда рўйхатдаги клиник белгиларнинг йўқлиги.

## 15-илова

### 5 ёшдан кичик болаларда бронхиал астма симптомларини назорат қилиш даражасини баҳолаш учун қўшимча сўровнома

А. БА симптомларини назорат қилиш		БА симптомларини назорат қилиш даражаси		
Сўнги 4 ҳафта давомида болада бўлганми:		Яхши назорат қилинадиган	Қисман назорат қилинадиган	Назорат қилинмайдиган
Ҳафтасига бир мартадан кўп ва бир неча дақиқа давом этадиган кундузги астма симптомлари бўлганми?	ҲА <input type="checkbox"/> ЙЎҚ <input type="checkbox"/>	Рўйхатдан ҳеч бири	Рўйхатдан 1-2 таси	Рўйхатдан 3-4 таси
Бола БА туфайли ўз фаолиятини чеклайдими (бошқа болаларга қараганда камроқ ўйнайди/югуради, сайр/ўйин пайтида тез чарчайди)	ҲА <input type="checkbox"/> ЙЎҚ <input type="checkbox"/>			
ҚТБАга бўлган эҳтиёж ҳафтасига 1 мартадан кўпроқ	ҲА <input type="checkbox"/> ЙЎҚ <input type="checkbox"/>			
БА билан боғлиқ тунги ўғонишлар ёки тунги йўтал	ҲА <input type="checkbox"/> ЙЎҚ <input type="checkbox"/>			
Б. БАда салбий натижалар хавфини башорат қилиш				
<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Астманинг охириги бир неча ойда кучайиш хавф омиллари</li> <li>▪ Астманинг назоратга олинмаган симптомлари</li> <li>▪ Ўтган йилда бир ёки бир нечта оғир хуружлар (шошилиш ёрдам чақирилиши, касалхонага ётқизиш ёки перорал кортикостероидлар курси) кузатилиши</li> <li>▪ Хуружларнинг одатий мавсумда бошланиши (хусусан кузда)</li> <li>▪ Тамаки тутуни экспозицияси, ички ёки ташқи ҳаво ифлосланиши, ички аллергенлар (масалан, уй чанги, уй ҳайвонлари, моғорлар) ва вирус инфекциялари билан бирга кузатилиши</li> <li>▪ Фарзанд ёки оиладаги жиддий психологик ёки ижтимоий-иқтисодий муаммолар</li> <li>▪ ИГКС ни қабул қилишга нисбатан паст майиллик ёки ингалятор техникасининг нотўғри ишлатилиши</li> <li>▪ Ҳаво ифлосланиши (NO<sub>2</sub> ва бошқа ифлословчилар)</li> </ul>				

**Изоҳ.** БА – бронхиал астма, ИГКС – ингаляцион глюкокортикостероидлар, ҚТБА – қисқа таъсирли β<sub>2</sub>–агонистлар.

## 16-илова

### 5 ёшдан кичик болаларда бронхиал астмани аниқлашга ёрдам берадиган саволлар

<p>Болангизда ҳуштаксимон хириллашлар кузатиладими? Ҳуштак – бу юқори частотали шовқин бўлиб, у кўкрак қафаси ёки томоқдан чиқиши мумкин.</p> <p>Агар имконияти бўлса, ота-оналардан ҳуштаксимон нафас олиш эпизодини видеога туширишларини сўранг, бу бронхиал обструкция синдромини юқори нафас йўллари патологиясидан фарқлаш учун зарур.</p>
<p>Болангиз тунги вақтда йўтал, ҳуштакли нафас олиш, ҳансираш, нафас олиш қийинчилиги ёки оғир нафас олиш сабабли уйғонадими?</p>
<p>Болангиз йўтал, ҳуштакли нафас олиш, нафас олиш қийинчилиги, оғир нафас олиш ёки ҳансираш сабабли югуриш ёки ўйин пайтида тўхтаб қоладими?</p>
<p>Болангизда кулиш, йиғлаш, ҳайвонлар билан мулоқда бўлиш ёки чекиладиган жойда бўлиш вақтида йўтал, ҳуштаксимон нафас олиш, нафас олиш қийинчилиги, оғир нафас олиш ёки ҳансираш пайдо бўладими?</p>
<p>Болангизда аввал озиқ-овқат аллергияси ёки атопик дерматит ташхис қўйилганми?</p>
<p>Сизнинг оилагизнинг кимдир бронхиал астма, поллиноз, озиқ-овқат аллергияси, атопик дерматит ёки бошқа респиратор муаммолар билан боғлиқ касалликларга чалинганми?</p>